КУТУБХОНАСИ

2005 YIL 30 SENTYABR, JUMA

# Qishloq HAYOTI

O'zbekiston Respublikasi ijtimoiy-iqtisodiy gazetasi

1974 yil 1 yanvardan chiqa boshlagan

№ 119-120 (6.957). Sotuvda erkin narxda

1 октябр - Ўқитувчилар ва мураббийлар куни



## Ўзбекистон Республикаси Президентининг ФАРМОНИ

# Ўқитувчилар ва мураббийлар куни муносабати билан мамлакатимиз таълим-тарбия тизимида алоҳида ўрнак кўрсатган ходимлардан бир гуруҳини мукофотлаш тўғрисида

**Таълим-тарбия соҳасидаги кўп йиллик самарали меҳнати, ёш авлодни миллий ва умумбашарий қадриятларга таянган ҳолда Ватанга муҳаббат, истиқлол ғояларига садоқат руҳида ҳар томонлама соғлом ва баркамол қилиб вояга етказиш, уларга фан асосларини ҳамда замонавий касб-ҳунарларни ўргатиш йўлида жонкуярлик кўрсатгани ва жамоат ишларидаги фаол иштироки учун қуйидагиларга фахрий унвонлар берилсин:**

### «Ўзбекистон Республикаси халқ ўқитувчиси»

**Алламуратов Елмурат Торемуратович** - Кегейли туманидаги 4-мактабнинг география фани ўқитувчиси, Қорақалпоғистон Республикаси

**Хидиров Нусратулла** - Пахтачи туманидаги 25-мактабнинг физика фани ўқитувчиси, Самарқанд вилояти

**Элов Болта** - Ғиждувон туманидаги 8-мактабнинг математика фани ўқитувчиси, Бухоро вилояти

### «Ўзбекистон Республикасида хизмат кўрсатган халқ таълими ходими»

**Жакбаров Турғунбой Турсунович** - Бувайда туманидаги 1-мактабнинг математика фани ўқитувчиси, Фарғона вилояти

**Ибрагимова Фарида** - Чиноз туманидаги 2-мактаб директори, Тошкент вилояти

**Мадраҳимова Кароматхон** - Наманган шаҳридаги ихтисослаштирилган мактаб-интернатнинг кимё фани ўқитувчиси

**Матсапаева Муслима Матсапаевна** - Янгибозор туманидаги 12-мактаб директорининг ўринбосари, Хоразм вилояти

### «Ўзбекистон Республикасида хизмат кўрсатган ёшлар мураббийси»

**Давлатова Гулҳол Хабиевна** -Узун туманидаги 28-мактабнинг кимё-биология фани ўқитувчиси, Сурхондарё вилояти

**Жўрақобилов Аҳмад** - Яккабоғ туманидаги болалар ва ўсмирлар спорт мактабининг мураббийси, Қашқадарё вилояти

**Иброҳимова Зухра Ражабовна** - Қорақалпоғистон Республикаси 2-мактаб-интернатининг ўзбек тили ва адабиёти фани ўқитувчиси

**Исмаилов Икромжон Эргашевич** - Жалолқудуқ туманидаги 22-мактабнинг физика фани ўқитувчиси, Андижон вилояти

**Казанцева Наталия Владимировна** - Яккасарой туманидаги 369-мактабгача таълим муассасасининг дефектологи, Тошкент шаҳри

**Турдимуратова Мушараф Нарзиқуловна** - Боёвут туманидаги 1-мактабнинг француз тили фани ўқитувчиси, Сирдарё вилояти

**Ҳакимов Ҳайдар** - Зомин туманидаги 60-мактаб директори, Жиззах вилояти

**Ҳафизова Гулбаҳор Хайитовна** - Пешку туманидаги 9-мактабнинг тожик тили ва адабиёти фани ўқитувчиси, Бухоро вилояти

**Қаршиева Муҳаббат Файзуллаевна** - Хатирчи туманидаги 22-мактабнинг тарих фани ўқитувчиси, Навоий вилояти

### «Ўзбекистон Республикасида хизмат кўрсатган спорт устози»

**Абдуллаева Зарина Азамовна** - Республика Олий спорт маҳорати мактабининг бадиий гимнастика бўйича мураббийси

**Қудратов Рустам Бўриевич** - Республика Олий спорт маҳорати мактабининг юнон-рум кураши бўйича мураббийси

**Мамлакатимизда таълим-тарбия тизимини такомиллаштириш, Кадрлар тайёрлаш миллий дастурини амалга ошириш, ёш авлодни ватанпарварлик ва миллий истиқлол ғояларига садоқат руҳида тарбиялаш, уларда юксак маънавий-ахлоқий фазилатларни шакллантириш борасидаги фидокорона хизматлари билан халқимизнинг ҳурмат-эътиборига сазовор бўлгани учун қуйидагилар мукофотлансин:**

### «Эл-юрт ҳурмати» ордени билан

**Абдуллаева Қумри Абдуллаевна** - Ўзбекистон педагогика фанлари илмий-тадқиқот институтининг бошланғич таълим муаммолари бўйича илмий маслаҳатчиси

**Жўраев Усмон Тошпўлатович** - Бўка туманидаги 8-мактабнинг тарих фани ўқитувчиси, Тошкент вилояти

### «Фидокорона хизматлари учун» ордени билан

**Мирзаҳмедов Абдураим Мирзаҳматович** - Асака туманидаги 26-мактабнинг ўзбек тили ва адабиёти фани ўқитувчиси, Андижон вилояти

**Нарзиев Юсуф Усманович** - Жондор туманидаги 31-мактабнинг физика-математика фани ўқитувчиси, Бухоро вилояти

**Нурқобилов Абдураҳмон** - Алишер Навоий номидаги Республика нафис санъат мактабининг тасвирий санъат ўқитувчиси

**Тенелова Баян Ибайдуллаевна** - Мўйноқ туманидаги 9-мактабнинг биология фани ўқитувчиси, Қорақалпоғистон Республикаси

(Давоми 2-бетда)

# Ҳаёт бўстонида боғбон – муаллим

***Устозлар ҳақида айтилган ҳикматли сўзлар кўп, ривоятлар қанча, қанча китоблару санъат дурдоналари яратилган. Буюк кишиларнинг қай бири устозлар таърифида сўз демаган?! Энди бу жумлани бошқачароқ ифодаласак, оддий инсонларнинг қай бири, ҳатто болаликда энг бебош бўлгани ҳам, ўз ўқитувчилари ҳақида самимият билан сўзламаган, дейсиз.***



Мактаб йўли ҳар куни ҳаёт йўлига бир қадам олиб чиқади. Биз енгилгина юриб ўтаётган бу йўллар устозларнинг машаққатли меҳнати билан осон кечаётганини кўпам билавермасдик. Аксинча, кўпчилигимиз шўхликлар қилиб, уларни бироз қийнаб ҳам қўярдик. Бу шўхлигимизни дилига оғир олишмас, бизга жаҳли чиққандай кўринса-да, асли кўнглида "бола-да" деб қўйишини ҳам энди тушунгандаймиз.

Ота-оналар жондан азиз фарзандларини илму тарбия берувчи ўқитувчи мураббийларга ишониб, катта умид билан мактаб даргоҳларига йўллайди. Эрта тонгдан боласининг атрофида парвона бўлиб мактабга шошилтирадилар. Болажонларнинг ҳар кунги асосий вақти жонажон мактаб қучоғида ўтади. Вужуди улғайиб, куч-қувватга тўлгани сайин илм-фан сирларини ўрганиш орқали ақл-тафаккури ҳам ўсади. Юртимизда олти миллиондан зиёд болажонлар ҳар куни севимли муаллимлари ҳузурига ошиқади.

(Давоми 3-бетда)

# Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлис сенатида

***Сенатнинг Қонунчилик ва суд-ҳуқуқ масалалари қўмитаси Бюджет ва иқтисодий ислоҳотлар масалалари қўмитаси билан биргаликда парламент юқори палатасида ташкил этган конференция «Ўзбекистонда тадбиркорларнинг манфаатларини ҳуқуқий жиҳатдан муҳофаза қилиш: муаммолар ва уларни ҳал қилиш йўллари» мавзуига бағишланди.***

Конференция доирасида сўзга чиққанлар тадбиркорлик соҳасидаги давлат сиёсатининг стратегик вазифаларини амалга ошириш масалаларини, бу соҳадаги қонун ҳужжатларининг аҳволини, тадбиркорларнинг манфаатларини ҳимоя этиш борасидаги суд амалиёти ҳамда ҳуқуқни муҳофаза этиш органларининг бу йўналишдаги фаолиятини, тадбиркорлар манфаатларини таъминлаш гарови сифатида шартнома мажбуриятларини бажариш муаммоларини таҳлил этдилар. Шу билан бирга тадбиркорлик эркинлигига оғишмай риоя этиш, тадбиркорларнинг фаолиятларига аралашувларни чеклаш, уларнинг манфаатлари ҳимоя этилишини кенгайтириш, тадбиркорларни қўллаб-қувватлашда ахборот таъминотини кучайтириш зарурлиги таъкидлаб ўтилди.

Тадбир иштирокчилари Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2005 йилнинг биринчи ярим йиллигида қабул қилинган, тадбиркорларнинг манфаатлари ҳамда ҳуқуқларини ҳимоя этишга қаратилган фармонлари ва қарорларини якдиллик билан қўллаб-қувватладилар. «Тадбиркорлик фаолияти юритиш учун рухсатнома турларини қисқартириш ва уларни бериш тартиб-қоидаларини соддалаштириш тўғрисида» Ўзбекистон Республикаси Президенти томонидан 2005 йил 21 сентябрда қабул қилинган Қарор жуда бамаврид ва катта аҳамиятга эга эканлиги алоҳида таъкидланди. Зотан бу қарорда тадбиркорлик субъектларига қулай шароитлар яратиш, қонун ҳужжатларини унификация қилиш, маъмурий сарф-харажатларни янада камайтириш, тадбиркорлик фаолиятини амалга ошириш учун рухсатнома турларини қисқартириш ва уларни бериш тартиб-таомилларини соддалаштириш мақсади кўзлангандир.

Конференция иштирокчилари Ўзбекистонда тадбиркорларнинг ҳуқуқлари ҳамда қонуний манфаатларини ҳимоя этиш механизми фаолиятидаги ютуқлар ва муаммоларни умумлаштириб, қонун ҳужжатларини ҳамда тадбиркорлар фаолиятини текшириш тартиботи тизимини такомиллаштириш, бундай текширувларни ўтказишда ҳуқуқни муҳофаза қилиш органлари вакилларининг масъулиятини ошириш, тадбиркорлар учун тенг ва рақобатлашувга асосланувчи шароитлар яратиш, нодавлат нотижорат ташкилотларининг ана шу жараёнлардаги иштирокини янада кенгроқ таъминлаш юзасидан тавсиялар, шунингдек бошқа қатор таклифлар билдирдилар.

Конференцияда сенаторлар, Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутатлари, ҳуқуқни муҳофаза қилиш органларининг, Ўзбекистон Республикаси Монополиядан чиқариш, рақобат ва тадбиркорликни қўллаб-қувватлаш давлат қўмитасининг, Савдо-саноат палатасининг вакиллари, етакчи ҳуқуқшунос олимлар иштирок этдилар.

**(ЎзА)**



**1991-2005 йиллар мобайнида 2785 нафар педагог ходимлар Давлат мукофотлари билан тақдирланди. Жумладан. 5 нафар педагог Ватанимизнинг юксак мукофоти - "Ўзбекистон Қаҳрамони" унвонига сазовор бўлди. "Ўзбекистон Республикаси халқ ўқитувчиси" унвонига 294 нафар, "Ўзбекистон Республикасида хизмат кўрсатган халқ таълими ходими" унвонига 304 нафар, "Ўзбекистон Республикасида хизмат кўрсатган ёшлар мураббийси" унвонига 185, "Ўзбекистон Республикасида хизмат кўрсатган спорт устаси" унвонига 19 нафар ўқитувчи-мураббийлар сазовор бўлишган. Шунингдек, педагог кадрлардан 99 нафари "Эл-юрт ҳурмати" ордени, 9 нафари "Фидокорона хизматлари учун" ордени, 190 нафари "Меҳнат шухрати" ордени, 472 нафари "Соғлом авлод учун" ордени, 284 нафари "Дўстлик" ордени, 922 нафари "Шуҳрат" медали ҳамда 2 нафари "Жасорат" медали билан тақдирланган.**

# Хавфли ғоялар кўланкаси

***Болалигимда тарихчи домламиз айтган гап хотирамда қатъий ўрнашиб қолган. Сабоқларнинг бирида у киши: «Урушлар икки хил бўлади: адолатли ва адолатсиз уруш. Ватанини ёвдан ҳимоя қилиш бу — адолатли уруш, ўзганинг юртига бостириб кириш, босқинчилик қилиш эса адолатсиз уруш...», деганди.***

МУНОСАБАТ

Билмадим, жуда оддий, жайдари қилиб айтилган бу фикрда ҳайрон қоларли фалсафа йўқдир, эҳтимол. Урушни иккига бўлишнинг ўзи ғалати туюлар, бироқ уруш ҳақидаги қанча китобларни титманг, қанча ҳужжатли ва бадиий фильмларни кўрманг, мана шу оддий қишлоқ муаллимининг жўнгина қарашидан ошиб тушадиган хулосани тополмайсиз.

Қўлига қурол олиб ўзининг юрти, она-тупроғини, оиласини, ор-номусини ҳимоя қилган ўғлон-ку маълум — у бу нарсани бурч деб билади, Ватанга бўлган муҳаббати туфайли шундай қилишга мажбур эди, бошқа чора йўқ эди. Бироқ, бировнинг остонасини топташга, юртига бостириб киришга жазм қилиб қўлига қурол олган кимсани тушиниш оғир ҳодиса. Агар жиддий ўйлаб қарасангиз, инсон боласининг қурол тутиб ўзи сингари зотларни отиб ўлдиришга чоғлангани, ўзгалар хонадонини топташга журъат қилганини, ёвуз махлуққа айланиб қолганини ҳеч қандай изоҳу шарҳ билан оқлашга журъат ҳам, имкон ҳам тополмайсиз. Хўш нега одам қўлига қурол олади? Нега қўпорувчилик қилади? Нега бошқаларнинг уйига ўт кеткизиб чирқиратади, зорқақшатади, уруш оловини ёқади?

(Давоми 2-бетда)

САНОАТ

## "ЧИНОЗЙЎЛИНДУСТРИЯ":

# Эзгулик йўлида

***Ўзбекистон чиройи очилиб бораяпти. Мустақиллик бу жараёнга қудратли қанот бағишлади. Янги-янги уй-жойлар, жамоат ва маъмурий бинолар, мактаб ва коллежлар қурилаётир.***

Бу жараёнларда қурилиш материаллари ва ускуналари етказиб берувчи меҳнат жамоаларининг ўрни алоҳида. Улар қурилиш майдонларига йирик йиғма блоклар, асфальт-бетон етказиб бериб, ишлар тез ва соз бажарилишига муносиб ҳисса қўшаётирлар. Шундай корхоналардан бири "Чинозйўлиндустрия" ишлаб чиқариш корхонасидир.

– Корхонамизга 1967 йили асос солинган – дейди ушбу корхона раҳбари Дониёр Болусов. – Унинг салоҳияти сўнгги йилларда мустақиллик иншоотларини барпо этиш жараёнида айниқса ёрқин намоён бўлаётир. Корхонамиз таркибида иш олиб бораётган темир-бетон буюмлари, қум-шағал ва асфальт-бетон заводлари қурилишларга зарур маҳсулотлар етказиб бераяпти.

Дарҳақиқат, иқтисодий ислоҳатлар корхона ўз ишлаб чиқариш воситаларини янгилаб, технология жараёнларини мукаммаллаштириб, маҳсулот турларини кўпайтиришга катта имконият очиб берди. Корхона "Ўзавтойўл" тизими турдош корхоналари ичида ўзининг муносиб ўрнига эга.

(Давоми 3-бетда)

# Нурчилар ҳузурида

***– Вазирлар Маҳкамасининг "Электр энергиясидан фойдаланганлик учун ҳисоб-китоб қилиш механизмини тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги 511-сонли ҳамда "Электр энергияси сотилиши ҳамда ундан фойдаланишни ҳисобга олиш ва назорат қилиш тизимини мустаҳкамлаш юзасидан қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида"ги 512-сонли қарорлари асосида талабни жуда қаттиқ қўйганмиз, – дейди Навоий вилояти электр тармоқлари очиқ акциядорлик жамияти бош директори Одил Жиянов.***

– Жумладан, тўлов муддатлари ўтиб кетган истеъмолчиларни тармоқдан узиб қўйиш амалиёти кенг қўлланилмоқда. Аммо шундай ҳолатда ҳам қоидабузарликни давом эттираётганлар борлигига нима дейсиз?

ИСЛОҲОТ

Масалан, "Навоийазот" акциядорлик жамияти оз эмас нақ 45 миллиард 643 миллион сўм миқдорида қарздор. Тўлаш чорасини қилишаётгандир, дерсиз? Қаёқда. "Навоийазот"ни хўжалик судига бердик. Оммавий ахборот воситаларида муддати ўтиб кетган дебиторлик қарзини тўлашларини сўраб кўп бор чиқишлар қилдик. Сираям нафи бўлмаяпти. Нима қилишгаям ҳайрон бўлиб қолдик. Вилоят сув оқава ташкилотларидагилар ҳам шундай йўл тутишни афзал кўришган. Бу ташкилотнинг қарздорлиги ҳозирга келиб 14 миллион сўмдан ошди.

Таъминотдаги узилишлар электр қурилмаларининг зўриқиб ишлаши билан боғлиқми? Йўқ, таҳлиллар истеъмолчиларнинг қоронғуда қолишига кўпинча уларнинг ўзлари сабабчи бўлаётганликларини кўрсатмоқда. Мавжуд қоидаларга кўра, истеъмолчилар – у ташкилот бўладими ёки хонадон соҳиблари бўладими, фойдаланилган энергияга ўз вақтида ҳақ тўлашлари лозим.

(Давоми 5-бетда)

ҚИШЛОҒИНГИЗ ТАРИХИНИ БИЛАСИЗМИ?

# Саҳронинг ҳам ўз сири бор

***Яқинда онам билан Самарқанд шаҳридан қишлоғимизга келарканмиз, киракаш ҳайдовчи бизни саволга тутди:***

–Сизлар шу чўлда яшайсизларми? –Бу ерларда қандай яшайсизлар?

Мен ўйланиб қолдим. Ҳайдовчи бироз менсимай назар ташлаб кетаётган чўлларнинг ўзим англаган баъзи сирлари ҳақида ўйладим.

Биз Чироқчи туманининг ярим чўл ҳудудида жойлашган "Хўжаобод" қишлоғида яшаймиз. Бизга қўшни "Торжилға" (яна бир номи – "Гулистон") қишлоғи жойлашган. Қишлоқнинг бундай номланиш тарихи жуда қизиқ.

Фақатгина баҳорги сел ва ёмғирлар туфайли пайдо бўлувчи "Қумдарё" туманимизнинг Қалқама тоғ этакларидан бошланиб, Косон тумани дала-даштларигача оқиб бориб, сингиб кетади.

(Давоми 6-бетда)

ХАЛҚ БАНКИ
сизнинг оилангиз банки
BANK

| УзРТСБ Биржевые котировки сум/кг | | | | | | | | |
|---|---|---|---|---|---|---|---|---|
| БЕНЗИН (76) 451,7 ▼ - 10,3 | БЕНЗИН (91) 536,2 ▲ + 0,1 | ДИЗ.ТОПЛИВО 283,4 ▼ - 2,4 | МАЗУТ 94,0 ▲ + 17,0 | СЖ.ГАЗ 215,7 ▲ + 0,2 | МАСЛО ХЛОПК. 815,5 ▼ - 8,8 | САХАР 588,0 ▼ - 0,06 | МУКА выс.сорт 280,0 ▼ - 0,1 | |

# Ҳаёт бўстонида боғбон – муаллим

(Боши 1-бетда)

Ҳикматлар кўп, лекин шу гулу чечакларимиз ҳар бирининг азиз муаллимлари ҳақида энг самимий таърифлари, меҳру муҳаббати бор. Севимли ўқитувчисига кўнглида бир ҳайкал қўйган балки.

Мамлакатимизда амалга оширилаётган таълим соҳасидаги ислоҳотлар ўқитувчиларнинг жамият ҳаётида тутган ўрни, маънавий мавқеини ҳам янада мустаҳкамламоқда. Келажагимиз пойдевори бўлган ёш авлоднинг таълим-тарбияси ҳақида қайғуриш, мактаблардаги ўқиш-ўқитиш шароитларини тубдан яхшилаш озод Ватанимиз истиқболини кўзлаб қилинаётган муҳим дастурий ишлардир. Шу билан бирга ҳукуматимиз ўқитувчиларни моддий ва маънавий рағбатлантириш, улар меҳнатини муносиб қадрлашга ҳам жиддий эътибор қаратяпти. "2004-2009 йилларда мактаб таълимини ривожлантириш Давлат умуммиллий дастури" бўйича давом этаётган кенг қамровли ислоҳотлар аллақачон ўз ижобий самараларини бераётгани, хусусан, ўқитувчилик касбига бўлган муносабатда ҳам ўз ифодасини топаётир.



Азалдан юртимизда устоз муаллимларга аждодларимиз катта эҳтиром кўрсатиб келган, кишилар илм-маърифатли инсонларни улуғ билган. Болага хат-савод ўргатган киши уни нурли йўлга етаклагани боис энг азиз сиймога айланган.

Ўқитувчи, болалик орзуларимиз унинг қалбини тўлдирганми - ўқувчиларни жону жаҳонидай кўради. Дунёдаги энг зиёли, энг ҳокисор, камтар ва беғубор, самимий инсон. Ўқувчисининг камолини кўриб қувонган муаллимнинг шодлигидай беғубор шодликка қиёс йўқ, устозлик мақоми шудир балки.

Ҳар қачон ўқитувчиларимизни бирор жойда учратиб қолсак, қанчалар ҳурмат қиламиз, дилимиз орзиқади. Шу лаҳзада бениҳоя хурсанд бўлиб кетамиз.

Муаллимлар доимо эл дилида чинакам эъзоз топган, одамларнинг самимий меҳрини қозонган азиз инсонлардир. Истагимиз - эл-юрт ҳурмати, бундай маънавий мавқега эга бўлиш бахти сизни ҳеч қачон тарк этмасин, қалб қўримиз, дил тўримиз сизга, устозлар, ҳаёт боғининг заҳматкаш боғбонлари. Муаллим деганда бугунги авлоднинг дилидан ҳам келажакда шундай, балки ундан-да улуғроқ, покиза туйғулар кечсин, элимизнинг бу ишончи, эъзози зиёда бўлаверсин!

Байрамингиз қутлуғ, азиз устозлар!

**Дилором МАТКАРИМОВА**

Б.АКРАМОВ, С.ЎРМОНОВ (ЎзА) олган суратлар.

# Сабоғида мантиқ мужассам

***Мактаблардан бирида бўлиб, дарс таҳлили билан шуғулланган Негмурод ака синфдаги энг аълочи ўқувчининг билимини синовдан ўтказаркан, "ўн сўм пулни иккига тақсимлаб, бир қисмини сенга бердим. Ўзимда сенга берганимдагига қараганда бир сўм кўп пул қолди. Айт-чи, иккимизга қанчадан пул тегди?" деб савол берди.***

–Мантиқли бу оддий масалани ечишга ўша ўқувчи шошилиб, хато жавоб қайтарди, - дея эслайди Негмурод Гулиев. – Бу ўша синфда мантиқли масалалар ечишга кам эътибор берилганидан далолат эди, албатта.

Ғиждувон туманидаги 57-ўрта мактабда математика фанидан сабоқ бериб келаётган муаллимнинг бу кичик воқеани эслаши бежиз эмас. Мантиқли масала ўқувчини ўйлашга, фикрлашга ундайди, унинг ақлини пешлайди.

Негмурод ака дарс жараёнида ўқувчи қизиқишини оширадиган, уни мустақил изланишга чорлайдиган ана шундай усуллардан тез-тез фойдаланади. Ўқувчилари унинг шеърий усулдаги мантиқли масалалари, топишмоқларини ечишга одатланиб қолишган. Олий тоифали математика фани муаллимининг бадиий ижод билан шуғулланишини, шеърий тўпламлар чоп этганини ҳам эсласак, унинг чинакам ижодкор ўқитувчи эканлигига амин бўламиз. Унинг "Қизиқарли математика", "Сеними, шошмай тур!" тўпламлари аллақачон қўлма-қўл бўлиб кетган.

–Ўқитувчи меҳнати қадрланаётганидан хурсандман, - дейди мамнуният билан Негмурод ака. – Шогирдларимиз сафида илмга ташна, тиришқоқ, изланувчан ўқувчилар кўп. Улар билан ишлаш кишига куч-қувват бағишлайди. Шу туфайли муаллимлик касбимдан доимо фахрланаман.

Ёш авлод таълим-тарбияси йўлидаги хизматлари учун "Шуҳрат" медали билан тақдирланган Н.Гулиев ишлаётган билим маскани Бухородаги ўнлаб қишлоқ мактабларидан деярли фарқ қилмайди. Шу боис оддий бўр ва доскадан унумли, оқилона фойдаланиб ҳам кўп нарсаларга эришиш мумкин – бу Негмурод аканинг кўп йиллик тажрибалардан чиқарган хулосаси.

Куни кеча вилоят халқ таълими бошқармасидан шундай маълумот олдик. Республика Халқ таълими вазирлигининг тегишли буйруғига асосан ўтказилган 6 ойлик рейтинг натижалари бўйича Бухоро вилояти мамлакатимизда иккинчи ўринни эгаллабди. Бу эса Негмурод акага ўхшаган кўплаб фидойи устоз мураббийларнинг меҳнатлари самараси, албатта.

**Истам ИБРОҲИМОВ,**
**"Қишлоқ ҳаёти" мухбири.**

МАЪНАВИЯТ

# Нодонга ёндашма

***"Нодонлик эрур элда маломатга далил, доно улус олдида хижолатга далил", дейди Алишер Навоий. Инсон баъзан билиб-билмай нодонлик қилиб қўяди. Оқибатда ўзи элда маломатга қолади, бошқалар эса бундан хижолат чекадилар. Энг ёмони шуки, нодон инсон ўз нодонлигини англаб етмайди. Унинг ғофиллиги шундаки, ақл-идрок билан фикрлаш қобилиятини йўқотган бўлади. Бадриддин Ҳилолий бундай инсонларга баҳо бериб шундай деган:***

Пучак бош яхши фикр қилганми, қачон?
Пуч данакда мағиз бўлганми, қачон?

Афсуски, нодонликдан ҳеч ким кафолатланмаган. Бундан, ҳамма ҳам нодон бўлиши мумкин, деган хулоса чиқармаслик керак. Орамизда донолар кўп. Улар бор экан, эътиқод ва дунё устунлари мустаҳкам. Улар идрок этишаётган экан, жамият ва Ватан тушунчалари муқаддас. Уларнинг фикри устувор экан, бунёдкорлик ва тараққиёт бор.

Одатда, нодонлик турли кўринишларда намоён бўлади. Энг оддийси – гап уқмаслик, сув юқмаслик. Унга ҳеч нарсани уқтириб ҳам, юқтириб ҳам бўлмайди. У ўз билганидан қолмайди – тамом-вассалом. Барча уринишлар: панд-насиҳатлар, тушунтиришлар, илтимослар, танбеҳлар – ҳаммаси беҳуда.

**Одатда, нодонлик турли кўринишларда намоён бўлади. Энг оддийси – гап уқмаслик, сув юқмаслик. Унга ҳеч нарсани уқтириб ҳам, юқтириб ҳам бўлмайди. У ўз билганидан қолмайди – тамом-вассалом. Барча уринишлар: панд-насиҳатлар, тушунтиришлар, илтимослар, танбеҳлар – ҳаммаси беҳуда.**

Ҳаётда бундай инсонлар бор. Улар атрофдагиларни хижолат қилиб яшайверадилар. Бошқалар улар билан муроса қилишга мажбур. Чунки, муроса – донолик тимсоли.

Муроса – ўринсиз ғазабланадиган нодонлар учун ҳам энг яхши малҳам. Бир ҳадис бор: "Огоҳ бўлингки, ғазаб бамисоли инсон ичидаги ёниб турган чўғдир. Биласизларки, ғазаби келган кишининг кўзлари қизариб, томирлари шишиб кетади. Агар бирортангиз шундай ҳолатга тушиб қолсангиз, ерга ўтириб олинг! Огоҳ бўлингки, одамларнинг яхшиси – ғазаби секин келиб, аслига тез қайтадиганидир. Уларнинг ёмони эса ғазаби тез келиб, аслига секин қайтадиганидир".

Сир эмас, баъзиларимиз арзимаган сабаблар боис тез ғазабланамиз-да, сўнгра аслимизга қайтолмасдан узоқ вақт азобланиб юрамиз. Демак, бу ҳам нодонлик. Шундай экан, аввало, ўринсиз ғазабланишдан тийилайлик, агар бунинг иложи бўлмаса, шаштимиздан тушишнинг уддасидан чиқайлик. Нодонликни енгиш – ироданинг жасорати.

**Бир сўз билан айтганда, нодонлик – ёмон хулқдир. Ҳадисда айтилганидек, кимнинг хулқи ёмон бўлса, у ўзини азобга гирифтор қилади. Кимнинг ташвиши кўпайса, бутун танаси дард тортади. Кимки одамлар билан жанжаллашишга одат қилса, обрўси ва мурувватидан ажралиб қолади.**

Ғазабдан тушмаган инсон жаҳолатга шерик бўлади. У ёғи эса заҳматга йўл. "Жаҳолат аҳли бирла қурма суҳбат, етар ҳар дам бу ишдин жонга заҳмат" дейди Носир Хисрав. Нодонлик охир-оқибатда, аввало, ўша инсоннинг ўзига зарар етказади. Шунингдек, уни қариндош-уруғларидан, дўстларидан, юртдошларидан ва юртидан айиради.

Абулқосим Фирдавсий айтганларидек:

Нодондан нолийди ҳатто тоғу тош,
Нодонликка шукуҳ бўлмайди йўлдош.

Барча салбий хислатлар нодонликда мужассам. Нодонликнинг энг ёмон кўринишларидан бири – қасамхўрликдир. Бу дарднинг давоси йўқ. Қасамхўрдан Худо асрасин. Қасамхўр кўзларини чақчайтириб оқни қора, қорани оқ, эгрини тўғри, тўғрини эгри, борни йўқ, йўқни бор, ўзини ҳақ, ўзгани ноҳақ, деб тураверади. Ёки сурбетлик билан ёлғон гувоҳликка ўтиб, кўрганини кўрмаганман, кўрганман, билмаганини биламан, деб безрайиб тураверади.

Ўз вақтида Саъдий Шерозий бундай инсонларнинг мунофиқона қиёфасини жуда ўхшатиб таърифлаган. Эшитинг:

Жуҳуд ва мусулмон қиларди жанжал,
Сўзларидан кулгум қистади чунон,
"Жуҳуд бўлай агар, эй Худовандо,
Аҳдим чин бўлмаса", дерди мусулмон.
Жуҳуд дер: "Тавротга ичайин қасам,
Сендай муслим бўлай, аҳдим бузган он".
Ер юзидин ақл ўчиб кетса ҳам,
Ҳеч ким билмас экан ўзини нодон.

Шундай, бу дунёда ҳеч ким ўзини нодон ҳисобламайди.

Аксинча, у доноликни даъво қилиши мумкин. Аслида шунинг ўзи ҳам нодонликдир. Агар ҳаётда (қандай ҳолатда бўлмасин) донолик билан нодонлик тўқнашса, донолик ихтиёрий мағлубиятни танлайди. Нодонга эса мағлубият хос эмас. У ўз нодонлиги билан "ғалаба" қилади. Шунинг учун ҳам улуғ донишмандлар ва мутафаккирлар нодонликни қаттиқ қоралаганлар. Масалан, Абдулқодир Бедил: "Айши юз донони бузган битта нодон шум эрур" деса, Абдураҳмон Жомий: "Доно тирикдир, ўликдир нодон" дейди.

Бир сўз билан айтганда, нодонлик – ёмон хулқдир. Ҳадисда айтилганидек, кимнинг хулқи ёмон бўлса, у ўзини азобга гирифтор қилади. Кимнинг ташвиши кўпайса, бутун танаси дард тортади. Кимки одамлар билан жанжаллашишни одат қилса, обрўси ва мурувватидан ажралиб қолади.

Инсон ёмон хулқ билан туғилмайди. Уни оиладаги ва ҳаётдаги муҳит тарбиялайди. Бундай муҳитни ота-она ва жамоатчилик яратади. Жамоатчиликнинг қамрови кенг. Инсон ўқиши, ишлаши ва яшаши жараёнида кимлар билан қандай муҳитда ва муносабатда бўлган бўлса, ҳаммаси йиғилиб унинг хулқини шакллантиради. Демак, орамиздан нодонлар чиқишига ўзимиз сабабчимиз. Агар биз атрофимиздаги инсонларнинг ҳар қандай салбий хатти-ҳаракатларига мутлақо бефарқ муносабатда бўлсак, нодонлик учун кенг йўл очган бўламиз. Кейинчалик эса бу хатони тузатиб бўлмайди.

**Иброҳим НОРМАТОВ**

# Хоразм – қуёшли эл дегани

***Президентимизнинг Хоразмга ташрифи юртдошларимизни нечоғлик суюнтирганини билсангиз эди. Мамлакат ривожи учун, элнинг манфаати учун куйиб-ёниб далада ишлаб турган деҳқондан Юртбошининг ўзи келиб хол-аҳвол сўраши нақадар улуғ иш.***

Хоразм элидан юзлаб авлиёлар, олимлар етишиб чиққани барчамизга маълум. Ҳар бири мана шу эл, юрт учун жонларини фидо айлашган, халқни хушнуд этишган. Президентимизнинг Хоразмга ташрифи ҳам элимиз ғайратига ғайрат қўшди. Юртбошиси ҳолини сўраган эл кам бўлмайди дейишади машойихлар.

Президентимизнинг ташрифлари давомида айтган сўзларини тинглаб, мустақиллик туфайли яратилаётган имкониятларни кўриб беихтиёр кўз ўнгимда бундан ўн йилликлар ортдаги тарих гавдаланди.

Шовот туманининг "Дўстлик" хўжалигидаги қарийб ўттиз йиллик фаолиятимда жуда кўп нарсаларнинг гувоҳи бўлдим. Яхшиликнинг ҳам, ёмонликнинг ҳам. Худога шукур, ўн битта фарзандни тарбиялаб, элнинг хизматига қўйдим.

Эсимда, Ўзбекистон қишлоқ хўжалиги соҳасида биринчи консерва заводи бизнинг колхозда очилган эди. Бу заводни очгунча не-не машаққатларни бошдан кечирмаганмиз?! Ўша даврларда оддий деворни қуриш учун неча идораларда сарғайиб ўтиришга тўғри келарди. Қоғозбозликни-ку қўяверасиз.

ИФТИХОР

Айниқса, сақсонинчи йилларнинг охирида "Пахта иши" даврида гдлянчилар ва ивановчилар бутун мамлакатимизнинг бошига қаро кунларни ёғдирган эди. Зуғум ва туҳматларнинг дастидан ўзимни ҳатто поезднинг остига ҳам ташламоқчи бўлгандим. Аммо норасида болаларимни ўйлаб, ўзбекнинг ҳам кўкрагига шамол тегар деган ўй мени бу йўлдан қайтарган эди. Худойимга беадад шукрки, мустақиллик шарофати билан у кунлар гўёки бўлмагандек ўтиб кетди.

Юртбошимиз олиб бораётган оқилона сиёсат туфайли мамлакатимиз ривожланиш ва истиқлолга юз тутди.

Президентимиз Хоразмга ташриф буюрар экан ҳар бир гапида "эл манфаати" дея куюниб гапирди. Фермерлар билан суҳбат қурди. Бугун ер эгасини топди. Буларнинг барига шукрона айтиш, қадрига етиш керак.

Юртбошимизнинг бир гаплари бор: "Мустақиллик менга нима берди эмас, мен мустақилликка нима бердим? деб яшаш керак!" Бу гапнинг тагида маъно кўп. Мустақиллик барчамизга имкон берди. Ундан фойдаланиб эл учун нима қилдик, деган савол ҳамманинг юрагида акс садо бериб туриши керак. Берилган имкон туфайли бугун хўжалигимизда шиша идишлар заводи ҳам ишга тушди. Ҳадемай, банка ишлаб чиқариш заводи ҳам ишга тушиш арафасида. Ўн бир фарзандим бугун эл манфаати учун ўн бир йўналишда фаолият юритаяпти. Невараларим эса нуфузли олий ўқув юртларида ўқишмоқда. Ҳашар йўли билан шу пайтгача бир мактабни қайта таъмирлаб, битта тиббий хизмат маркази қуришди. Барчаси мустақиллик туфайли, юрт эгасининг оқиллиги туфайли деб биламан. Мени бир савол жуда қийнайди: неча инсонларнинг ўлимига сабабчи бўлган, қанча-қанча келинчакларнинг бева қолишига сабабчи бўлаётган террордек бир офатга баъзи ёшларимиз қандай қилиб қўшилиб қолмоқда? Уларнинг ота-оналари, маҳалла-кўйлари қаерга қараяпти? Қанақа тарбия олган улар?

Бугунги кунимиздан исталганча фахрланишимиз мумкин. Аммо бу кунларнинг масъулиятини ҳам чуқур ҳис этишимиз керак-ку! Юртнинг эгаси эл даволаниши учун дўхтирхона қурилишига, манзили яқин бўлиб, оғири енгил бўлиши учун кўприклар қурилишигача эътибор берса, элни суйса, замона тинч бўлса, ишлашнинг ўрнига бузғунчилик қилиш Ватанга оқ бўлиш эмасми?!

Сарлавҳани "Хоразм – қуёшли эл дегани" деб ном қўйишдан мақсад бир нарсани таъкидламоқчи эдим: бу қуёшли эл Юртбошимизнинг ташрифидан сўнг янада яшнаб кетди. Кўчага чиқсам ҳамманинг кўзида қувонч. Президентимизнинг хоразмликлар тўғрисида айтган ҳар бир сўзи юртдошларимиз қалбида қуёш янглиғ порлаб турибди. Ал-Хоразмий, аз-Замахшарий, Паҳлавон Маҳмуд, Нажмиддин Кубро янглиғ улуғ зотларни етиштириб берган Хоразм эли Президентимиз бошчилигида она-Ўзбекистонимиз ҳеч қачон, ҳеч кимдан кам бўлмаслиги учун хизмат қилажак. Хоразмликларда бир гап бор "оғзи бирчилик". Яна бир дуо бор "Бахти ётмасин" деган. Ният қилардимки "Ҳеч биримизнинг оғзибирчилигимиз йўқолмасин, элим деб ёниб яшаётган Юртбошимизни худойим паноҳида асрасин, эл манфаати йўлида хизмат қиладиганлар ҳеч қайсисининг бахти ётмасин!"

**Қўчқор ҚУРАНБОЕВ.**



Карши шаҳридаги «Марказий Осиё дурдонаси» кўп тармоқли ишлаб чиқариш корхонасида бугунги кунда 25 турдан зиёд уй-рўзғор ҳамда қурилиш материаллари тайёрланмоқда. Маҳсулотлар сифати билан вилоятда машҳур.

***Суратда:*** уста Нормурод Жабборов ва Неъматтулла Жумаев.

**Б. АКРАМОВ олган сурат.**

## "ЧИНОЗЙЎЛИНДУСТРИЯ":

# Эзгулик йўлида

(Боши 1-бетда)

Ҳали яқингинада корхонанинг барча ишлаб чиқариш бўлинмалари танг аҳволда эди. Транспорт ва ишлаб чиқариш воситалари эскириб ишдан чиққан, созлаш – таъмирлаш тизими путурдан кетганди. Шундай бир шароитда жорий йилнинг бошида ташкилий-раҳбарлик ишлари тубдан ўзгартирилди. Янги тайинланган раҳбар, инженер-техник ходимлар ишни жонлантириш, корхонанинг илгариги ибратли анъаналарини тиклашга аҳд қилишди. Асосий эътибор инсон омилини фаоллаштиришга қаратилди.

Жамоада ташкилий-тарбиявий ишлар кучайтирилди. Иш жойларида меҳнат ва экологик шароитларни яхшилашга алоҳида эътибор берилди. Бош механик Зокир Ғуломов, ишлаб чиқариш бўлимининг бошлиғи Шуҳрат Очилов ва Мухтасар Алматова етакчилик қилаётган касаба уюшма қўмитасининг маънавий-маърифий ишлари катта ўзгаришлар омили бўлди. Иқтисодий қийинчилик боис жамоадан кетган 120 нафар ишчилар ўз иш ўринларига қайтдилар.

– Машина ва механизмларни созлаш, янгиларини ишга тушириш катта куч талаб қилди, - дейди бош механик Зокир Ғуломов. – Аниқ мақсад тўғри белгилаб олинганлиги, жамоа жам бўлиб унга интилганлигимиз ўз самарасини берди.

Ўша ғайрат-шижоат ва ташаббускорлик корхона, унинг барча бўғинларида жонланиш рўй беришига олиб келди. Маҳсулот ҳажми ортиб борди. Қурилишларга тобора кўпроқ йиғма қурилмалар, темир-бетон блоклар ва плиталар етказиб берила бошланди. Темир-бетон буюмлари заводида Сервер Қайпазов, Акбарали Юсупов қум-шағал заводида Е.Загородникова, Нуриддин Мирзалиев, асфальт-бетон заводида Ҳабибулло Қураматов сингари ишлаб чиқариш фидойилари корхонадаги мавжуд имкониятларини ишга солиш учун астойдил изланишди.

– Корхона қаддини тиклай бошлади, – дейди корхона раҳбари Дониёр Болусов. – Буни фақат кейинги вақтлардаги ўсиш суръатларидан ҳам кўрса бўлади. 2004 йилнинг тўққиз ойи мобайнида қурилишларга 302 миллион 870 минг сўмлик материаллар ва конструкциялар етказиб берилган бўлса, 2005 йилнинг шу даврида 2 миллиард сўмлик маҳсулот жўнатилди. Қисқа муддатда корхонамиз ялпи маҳсулот ҳажмини 1 миллиард 408 миллион сўмликка кўпайтиришга эришди.

Бундай жадал ўсиш суръатларига эришиш осон бўлмади, албатта. Аввало, ишлаб чиқариш участкаларининг ўзида меҳнат жараёни енгил эмаслигини таъкидламоқчимиз. Кўпинча очиқ ҳавода ишлашга тўғри келади. Кичик механизациядан фойдаланилмаса, ишда на унум, на сифат таъминланади. Шу боис ҳар бир ишчидан икки-уч касбни эгаллаб олиш талаб қилинади. Буни ҳамма ишчи-хизматчилар чуқур ҳис қилиб ишлашади. Тўққиз ойлик режа темир-бетон буюмлари заводи жамоаси томонидан 190,1 фоиз, қум-шағал заводи жамоаси томонидан 440,1 фоиз бажарилганлигининг боиси шунда. Мана шундай уюшқоқлик корхонанинг молия-иқтисодий кўрсаткичлари яхшиланишига имкон очаяпти. Яқингинада неча ойлаб иш ҳақини ололмаётган кишиларнинг бугун ўртача ойлик маоши 100 минг сўмдан ортаяпти.

САНОАТ

Кайфият ишнинг муваффақиятини белгилайди. Маош вақтида тўланса, киши ўз ишининг натижаларига монанд рағбатлантирилса, меҳнати қадрланаётганлигини сезса, жамоада маънавий муҳит яхшиланиб боради.

– Шу боис 300 киши меҳнат қилаётган корхонамизда ишчи-хизматчиларни моддий ва маънавий рағбатлантиришга алоҳида эътибор қаратилмоқда, - дейди "Чинозйўлиндустрия" ишлаб чиқариш корхонаси касаба уюшма қўмитасининг раиси Мухтасар Алматова. – Аввало, иш ҳақини ойма-ой тўлаб бориш муқим тус олди. Ундан ташқари биз ой-сайин турли рағбатлантирувчи тўловлар ҳам бериб бораяпмиз. Маъмурият билан касаба уюшма қўмитаси ўртасидаги жамоа шартномасида бундай тўловлар кўзда тутилган. Бундан ташқари ишчи ва хизматчиларимизга ҳар байрамда мукофот пуллари берилаётир. Кам таъминланган оилаларни қўллаб-қувватлашга алоҳида эътибор қаратаётирмиз.

Дарҳақиқат, жамоа шартномасида ишчи-хизматчилар, уларнинг оила аъзоларининг турмуш даражасини кўтаришга қаратилган бир қатор чора-тадбирлар белгиланган. Корхонада кўп йиллар меҳнат қилиб, нафақага чиққан кишиларнинг турмушларидан хабардор бўлиш, уларни моддий жиҳатдан қўллаб-қувватлаш ҳам унутилаётгани йўқ. Айниқса "Сиҳат-саломатлик йили"да бундай ишлар кўлами кенгайтирилаяпти. Чунончи, ишчи-хизматчиларни, уларнинг оила аъзоларини соғломлаштириш ва дам олдириш мақсадларига маблағ ажратиш ортиб бормоқда. Хотин-қиз ишчи-хизматчилар "Сўқоқ" дам олиш уйида жамоа бўлиб ҳордиқ чиқаришди. Ишчи-хизматчиларнинг фарзандлари "Йўлчи" болалар оромгоҳида дам олдирилди. Бу мақсадлар учун 150 минг сўмдан зиёд маблағ ажратилди.

Айни пайтда ишчи-хизматчиларни бир йўла моддий тақдирлаш амалга оширилаяпти. Чунончи, шу йил ичида 40 нафар аёл қутлов пули олди. Наврўз байрами кунлари Гулзоробод маҳалласида амалга оширилган тадбирларга маъмурият бир миллион сўм сарфлади. Уруш қатнашчиларига 400 минг сўмлик совға-салом тарқатилди. Илғор ишчиларнинг ҳар бири меҳнатига яраша мукофот олди.

Меҳнат жамоаси туманда спортни ривожлантириш, ўсмирлар тарбиясини яхшилаш масалаларига алоҳида эътибор бериб келмоқда. Чунончи, тўққиз ой ичида корхона кам таъминланган хонадонларга ёрдам кўрсатиш ва бошқа мақсадларга 1,5 миллион сўмдан кўпроқ маблағ сарфлади.

* * *

"Чинозйўлиндустрия" ривожланиш йўлига ўтиб олди. Бугун бу корхона йўлсозлар, бинокорларга 22 турдаги қурилиш ва норуда материаллар етказиб бераяпти. Ишлаб чиқариш участкаларини айлансангиз, махсус қолипларга темир-бетон буюмлари қуяётган, машиналарга шағал юклаётган, харсанг тошларни "элак-элак" қилиб биноларга оро бериладиган материаллар ишлаб чиқараётган ишчи-хизматчилар меҳнатига тасаннолар айтасиз. Уларнинг зарбдор меҳнати туфайли мактаблар ва коллежларга пойдевор қўйилмоқда, равон йўллар барпо этилаяпти, кўприклар қурилмоқда. Юрт кўркам обод бўлиб бормоқда, турмуш гўзаллашмоқда. Буларнинг ҳаммасига "Чинозйўлиндустрия"жамоаси муносиб улуш қўшаяпти.

**Ҳ.ШАМШИЕВА,**
**"Қишлоқ ҳаёти" мухбири.**

ЦЕМЕНТ(Ахангаран) 45,0 ▲ + 0,04 | УГОЛЬ(бпк) 12,3 ▼ - 0,02 | АРМАТУРА 439,4 ▲ + 1,9 | СУПЕРФОСФАТ 63,6 ▲ + 0,9 | АММОНИЙ СУЛЬФАТ ФОСФАТ 192,8 ▼ - 0,1 | Символы цен: ▲+ Увеличилась; ▼- Снизилась; ± не изменилась; +0,0 на сколько сум Сум/кг Средневзвешенные цены за неделю для заключения прямых договоров на сайте: UZEX.COM УзРТСБ




## Қовун «операция»си

***Рўзиқулни қишлоқдаги энг зиқна одам дейишади. У бир куни бақир-чақир билан хотинини кўчага ҳайдаб чиқди. Аёл йиғлар, қўрқувдан дағ-дағ титрарди.***



–Нима гап?–сўради "қишлоқ Афандиси" деб ном олган Эрали бува жанжал устидан чиқиб қолиб.

–Бу ярамас хотин қишга сақлаб қўйган қовунни заха қилибди,–деди Рўзиқул сал хижолат бўлиб.

–Бува, бу одамга тушунтиринг. Қовун ўрнида туриб заха бўлса, мен айбдорми?– зорланди аёл.

Бир учи сал захаланган қовунни бува обдон кўздан кечирди-да, деди:

–Ортиқча ваҳима кўтарма, Рўзиқул. Бунинг яраси енгил. Қодир дўхтирга олиб бор, ҳазил-пазил жойи йўқ. Битта укол билан тузатади. Ҳали тунов одамларнинг гапига ишонқирамай катта қовунимни олиб боргандим. Чорасиз нарса йўқ экан, тузатди-қўйди.

Рўзиқул дарров шифохонага йўл олди.

–Дўхтир, шу қовунни бир кўрсангиз, учидан озгина захаланибди. Укол билан битиб кетармиш.

Қодир дўхтир ҳазилкаш, хушчақчақ одам эди.

–Сен ҳам эшитибсан-да. Буни операция қилмаса бўлмайди. Олдин уни бир укол қилиб, бир кеча шу ерда сақлаймиз. Захаси битмаса, операция қиламан. Эртага кечроқ бир хабар ол,–деди у жиддий оҳангда.

Эртасига Рўзиқулга қовуннинг пўчоғини тутқазаркан, Қодир дўхтир деди:

–Эссиз, захаси ичига ўтиб кетган экан, «операция»дан чиқолмади.

## Шайтон васвасаси

***Кузнинг қоронғи тунларидан бирида Эрали бува велосипедда уйига қайтиб келаётган эди. У даврларда йўлнинг икки четида баҳайбат бақатераклар тор йўлни яна торайтиб туришарди.***



Бунинг устига «милт» этган чироқ кўринмасди. Муюлишдан бирдан чиқиб бурилган машинанинг чироғи буванинг кўзини олди. У олдин кимгадир, кейин теракка урилиб кетди. Одам йўл четига йиқилаётиб овозининг борича бўралатиб сўкинди-ю, тинчиб қолди.

Бува қаноти эгилиб ғилдиракка қадалган велосипедни судраганча тез-тез юриб уйига жўнади. Уйда ўзини койиди: «Аҳмоқлик қилдим. Нега унга ёрдам бермадим. Мункиллаб қолган чолга ўхшаб кўринди. Ариққа йиқилиб димиқиб ўлган бўлса–чи?»

Шундай ўйлар билан у фонусни олиб ҳалиги ергача йўл четию ариқни кўздан кечириб борди. Ҳеч кимни учратмагач, буткул ваҳимага тушди. "тез ёрдам" олиб кетганмикин? Ўлиб қолган бўлса–я, худонинг олдида ўзимни қандай оқлайман? Эҳ Эрали, қариган чоғингда судда тик турадиган бўлдингов!» деган минг хаёлда тонг оттирди.

Эрталаб гузарда «кечаси Бойназар бувага Азроил кўринибди, бир урган экан, бува ариққа учиб тушибди. Лабига учуқ тошиб ўлимини кутиб ётганмиш» деган миш–миш тарқалди.

Эрали бува Бойназар оқсоқолникига борди, Ҳеч нарсадан хабари йўқдай ҳол–аҳвол сўради.

–Яхши келдинг-да Эрали, жоним чиқмай туриб мен билан видолаш,–деди инқиллаб ётган Бойназар, – бугун-эрта у ёққа равона бўлсам керак.

–Ундай деманг, ака, ҳали бардамсиз. Нима воқеа юз берди?–сўради Эрали бува.

–Йўл четидан аста келаётган эдим. Ёнимдан машина гуриллаб ўтди. Кейин орқамдан бир нарса келиб урилди. Бир чеккага учиб тушдим, тиззагача сувга ботдим. Кўзимга бўйинтурукли эшак кўринди. Далада омоч судраган қирчанғи эшак бўлса керак деб ўйладим. Чунки ниманидир судраб шаталоқ отганча чопиб кетди. Ўзимга келиб ярим тунда омоч судраган эшак кўчада нима қилади, дебман. Айтишларича, одамнинг ажали яқинлашса, Азроил бирор махлуқ қиёфасида қўрқитиб кўрармиш.

–Ўша эшакнинг тумшуғига кўзингиз тушдими?– сўради Эрали бува кулимсираб.

-Тумшуғи оппоқ кўринди, – эслагандай бўлди Бойназар оқсоқол.

–Агарда шу эшакни тутиб олганингизда нима қилардингиз?

–Ақли йўқ жонзотдан хафа бўлмайман. Лекин ўша маҳалда хасса билан бир–икки савалаган бўлардим.

Эрали бува деворга суяб қўйилган хассани оқсоқолга узатди.

–Тумшуғи оппоқ «эшак» мен эдим. Уч–тўрт уриб аламингизни олинг. Қоронғида сизни танимадим. Бирорта жанжалкаш одам бўлса ёқалашиб юрмай дедим. Шайтон васвасасига берилибман. Мени кечиринг, – деди Эрали бува оқсоқолга елкасини тутиб.

Бойназар бува хихиллаб кулиб юборди ва деди:

–Сенмидинг? Мен Азроил деб ўйлабман.

Иккови роса чақчақлашганча чойхона томон кетишди.

## Нафсига тушди

***Эшагига ўт юклаган икки сувчи йигит дала йўлида боришарди. Улар жазирамада терга ботиб келаётган Эрали бувани бир боплаб, офтобда узоқ ушлаб туришни ўйлашди.***



Бува йигитларга яқинлашгач, эшагини шартта орқага бурдида, уни чоптириб кетди. Бува бу баднафс йигитларни яхши билар, уларнинг ниятини ҳам дарров пайқаган эди. «Буларни ўзим бир боплай» деди ичида.

–Ҳа, отахон, бизни кўрибоқ жуфтакни ростлаб қолдингиз?– сўрашди велосипедда етиб келган йигитлар.

–Ҳали шолини суғораётсам, дарё томондан бақириқ эшитилди. Югуриб борсам, товуқбоқар Маҳкамбой тўр учини белига боғлаб толни қучоқлаб турибди. Мен бормасам уни балиқ сувга тортиб кетар экан. Икковлашиб зўрға тўрни тортдик. Қарасак, балиқмисан–балиқ, бўйи нақ икки метр келади-ёв.

–Кейин нима бўлди, бобой?– сўрашди бу гапга лаққа тушган йигитлар тоқатсизланиб.

–Уни товуқхонага олиб бордик. Сўйсак икки тоғора гўшт тушса бўладими. Маҳкамбой "шунча гўштни иссиқда айнитиб қўяман. Уч–тўртта одам тўплаб эҳсон қилиб қўя қолай", деганди. Қарилик экан–да, эсимдан чиқиб келаверибман. Хуноб бўлиб мени кутаётган бўлса керак

–Бобой, биз ҳам борсак бўлаверадими?

–Тез боринглар. Одамга зор бўлиб ўтирибди.

Йигитлар велосипедни тезлатиб кетишди. Улар муюлишга бурилишгач, бува эшагини орқага – уйи томонга бурди, «менинг нафсим балодир, ёнар ўтга соладир», деди бува кулимсираб.

Йигитлар товуқхонага яқинлашган ҳам эдики, учта кўппак уларга ташланди. Қурумсоқ Маҳкамбой эса эҳтиёт юзасидан осмонга ўқ узди.

**Н.МАМАДАЛИЕВ,**
**Уйчи тумани, «Бирлашган» қишлоғи.**

# Пахта ярмаркасининг нуфузи ва масъулияти

***Пахта етиштириш бўйича дунёда олтинчи, шундай муҳим хом ашёни экспорт қилиш соҳасида иккинчи ўринни эгаллаб турган мамлакатимиз ғоят йирик тадбирга пухта тайёргарлик кўрмоқда. Октябр ойининг биринчи ўн кунлигида Тошкентдаги "Ўзэкспомарказ"да биринчи халқаро Ўзбекистон пахта ярмаркаси ўтказилади.***

Мустақиллик йилларида пахта етиштириш, уни қайта ишлаш ва хорижга экспорт қилиш масалалари тубдан қайта кўриб чиқилди. Жаҳон андозалари талабига жавоб берадиган янги навлар яратилди, қайта ишлаш корхоналари замонавий ускуналар билан жиҳозланиб, қисқа технология сингари янгиликларни дадиллик билан ишлаб чиқаришга жорий этишга эътибор кучайтирилди. Ана шу ва бошқа чора-тадбирлар туфайли Ўзбекистон пахтасининг жаҳон бозоридаги рақобатбардошлиги ошиб, унга бўлган талаб-эҳтиёж тобора кенгайиб бормоқда. Илгари республикамиз ўз пахтасини асосан Европа Иттифоқи мамлакатларига сотган бўлса, ҳозирги пайтда Корея, Япония, Ҳиндистон, Покистон ва жаҳоннинг бошқа кўплаб давлатлари ҳам харид қилишяпти.

Мамлакатимиз ҳукумати ва пахта саноати масалаларида дунёдаги энг нуфузли нашр - Cotton Outlook ушбу ярмаркани ўтказиш ташкилотчилари саналадилар. Бу тадбирда Жанубий-шарқий Осиё, МДҲ ва Европа мамлакатларининг йирик компаниялари иштирок этиб, Ўзбекистон пахта толасини етказиб бериш юзасидан шартномалар тузиш, узоқ муддатли савдо муносабатларини янада ривожлантириш кўзда тутилган. Мамлакатимиз бойлиги ҳисобланган пахтага жаҳон миқёсидаги бундай катта қизиқиш уни етиштирувчилар, селекционерлар, қайта ишловчилар ва экспорт қилувчилар зиммасидаги масъулиятни янада оширади.

**(Ўз мухбиримиз)**

# Йиғим-терим қандай бормоқда?

МАВСУМ

***Мамлакатимиз иқтисодиётини мустаҳкамлашнинг муҳим манбаи ҳисобланган пахта ҳосилини саранжомлаш энг қизғин паллага кирди.***

29 сентябргача бўлган маълумотга кўра республикамиз далаларидан йиғиб-териб олинган хом ашё 2 миллион 564 минг тоннадан ошиб кетди. Карвонбоши - йиллик шартнома режасини биринчи бўлиб бажарган қорақалпоғистонликлардан сўнг бухоролик заршунослар боришяпти. Улар йиллик шартноманинг 91,8 фоизи миқдорида хом ашё тайёрлашган. Хоразм, Андижон, Қашқадарё, Фарғона вилоятлари пахтакорлари ҳам марра сари дадил интилишмоқда. Кундалик суръатни оширишда эса кейинги кунларда Навоий, Жиззах, Наманган вилоятлари отни қамчилашди.

Шу кунлардаги асосий вазифа ҳар бир дақиқадан унумли фойдаланиб, барча туманлар ва хўжаликларда йиғим-терим суръатини бўшаштирмасликдан, ҳосилни саранжомлашда иштирок этаётганларни ўз вақтида моддий рағбатлантириш ва уларга зарур шарт-шароитлар яратиб беришдан иборат. Карвоннинг орқароғида бораётган вилоятлар ҳам сафарбарликни кучайтириб, ташкилотчиликни янада яхши йўлга қўйсалар, мамлакатимиз бўйича кўзланган марранинг имкон қадар тезроқ эгалланишига ўзларининг муносиб ҳиссаларини қўшадилар.

**С.АЛИЕВ**



# Уч дугона, уч моҳирўй...

Касби туманидаги "Иззатулла Диёров" фермер хўжалиги жамоаси пахта йиғим-теримида пешқадамлар сафида. Албатта бунда теримчилар Ҳалима Ҳайитова, Жўрагул Тўхтаева, Феруза Тошеваларнинг (суратда) ҳам ҳиссаси бор. Улар кунига 120-150 килограммдан пахта теришмоқда.

**Ф.КАЛОНОВ олган сурат**

# Вобкент ва Ромитан – маррада

***Бухоро. Вилоятнинг Вобкент тумани деҳқонлари қабул пунктларига 35 минг тонна пахта топширдилар. Бу эса пахтачиликдан олинган даромад ҳозиргача 15 миллиард сўмга етганини англатади. Рентабеллик 35 фоизни ташкил этаяпти.***

Х.Камолов номли, Р.Ҳусенов номли, Охунбобоев номли ширкат хўжаликлари қўшган ҳисса салмоқли бўлди. Фермерлар ҳам бўш келишмади. Ялпи ҳосилнинг 40 фоизи улар ҳиссасига тўғри келди.

Вобкентликлар ялпи хирмон салмоғини 45 минг тоннадан оширишни кўзлашмоқда.

Ромитан тумани пахтакорлари ҳам давлат шартнома режасини бажарганликлари ҳақида хушхабар олдик.

**И.ИБРОҲИМОВ**


**Давлат- тижорат Халқ банки хизмат турларидан фойдаланаётган жисмоний шахслар ва хўжалик субъектлари**

BANK

**ДИҚҚАТИГА !**

Халқ банкига ишонч билдириб омонат ҳисобварақларини очган ва ҳамкорлик қилаётган барча мижозларга самимий миннатдорчилик изҳор этган ҳолда қуйидагиларни маълум қиламиз:

Халқ банки муассасаларида омонатчилар олдидаги мажбуриятларни бажармаслик, мижозларни депозит ҳисобрақамларидан ҳамда пенсия, нафақа, иш хақи ва унга тенглаштирилган барча тўловларни нақд пулда узлуксиз бериб борилишини таъминлашдаги қонун бузилиш ҳолатларининг олдини олиш мақсадида барча эътирозларни қуйидаги "Ишонч телефонлари" орқали хабар беришингизни сўраймиз.

**"ИШОНЧ ТЕЛЕФОНЛАРИ"**

**банкнинг Бош офисида ва барча ҳудудий филиалларида ташкил этилган.**

| | |
|---|---|
| Бош банкда | (8-371) 173-89-44; 173-69-18; 78-28-88 |
| Қорақалпоғистон Республикасида | (3612) 24-16-54 |
| Андижон вилоятида | (37422) 2-16-52; 2-16-49 |
| Бухоро вилоятида | (36522) 3-74-14 |
| Жиззах вилоятида | (37222) 6-39-22 |
| Қашқадарё вилоятида | (37522) 1-11-12 |
| Навоий вилоятида | (43653) 2-01-85 |
| Наманган вилоятида | (36922) 6-30-72 |
| Самарқанд вилоятида | (3662) 34-37-99 |
| Сурхондарё вилоятида | (37622) 2-76-75 |
| Сирдарё вилоятида | (3672) 25-28-82 |
| Тошкент вилоятида | 173-95-02; 78-97-90 |
| Фарғона вилоятида | (37322) 4-57-59; 4-59-24 |
| Хоразм вилоятида | (36222) 6-57-14 |
| Тошкент шаҳрида | 45-35-43 |

Банк фаолиятига путур етказиб хизмат вазифасини суиистеъмол қилаётган ходимларга нисбатан қатъий чоралар кўрилади.


## Дастлабки толалар олинди

***Фарғона шаҳридаги пахтани қайта ишлаш акциядорлик жамияти янги пахта ҳосилини қайта ишлашни бошлади. Дастлабки ҳисоб-китобларга кўра тармоқда 2 минг тонна ҳосил қайта ишланиб, 700 тоннадан ортиқ қимматбаҳо саноат хомашёси олинди.***

Жорий йилда қайта ишловчилар Фарғона ва Ёзёвон тумани миришкор деҳқонлари етиштирган 31 минг 471,7 тонна саноат хомашёсини қабул қилишга пухта тараддуд кўришган. Шартнома асосида пахта етказиб берувчи ширкат ва фермер хўжаликларига корхонанинг амалий ёрдами катта бўлди. Улар учун арзонлаштирилган нархларда чойшаб ва этаклар, қозон, самовар: ўсимлик ёғи, хўжалик совуни ва бошқа мавсум билан боғлиқ жиҳозлар етказиб берилди. Териб олинган ҳосилни қайта ишлаш тармоғига олиб келиш учун қўшимча транспорт воситалари жалб этилди.

***"Туркистон-пресс"***




# Гўшт қиммат...ми?

МАВЗУ

***–Гўштнинг зўри бизда кеннойи, - раста охирроғидан қассоб йигит илдамлик билан мижозни чорлайди. – Неча кило керак ўзи? Яхши жойидан қилиб берамиз.***

–Суягини камроқ қилиб 3,5 кило беринг.

–Мана, кеннойи, сиздан 11 минг сўм.

–Вой, намунча?! Гўштнинг килоси неча пул ўзи, – харидор аёл тихирлик қилади.

–3300 сўм, сизга 3200 дан беряпман кеннойи, - дея оёқ тирайди қассоб.

–"Эски Жува"да арзон десам, энг қиммати шу ерда эканку?! 10000 сўм бераман.

–Кеннойи озгина қўшмасангиз бўлмайди. Бизгаям қимматга тушган. Ҳеч бўлмаса 10800 қилинг.

– Инсоф билан сўранг ука. Бор пулим 10500. Ундан бир сўм ҳам ортиқ беролмайман.

–Майли олақолинг.

Харидор кетар чоғи яна қўшиб қўйди: гўштнинг баҳосини шу тахлит кўтараверсанглар одамлар гўшт емай қўяди-ку?!

–Кеннойи бу фақат бизга боғлиқ эмас, – яна зорланади қассоб. – Ўзимизга қимматга тушаяпти-да.

Сотувчи билан харидор ўртасида кечган тортишувни кузатар эканман, ўйланиб қолдим. Нега гўштнинг нархи ошиб боряпти? Бунга харидор айтганидек, фақат қасоблар сабабмикан ёки биз англамаган бошқа жиҳатлари ҳам борми?

Хаёлимда ушбу саволлар ғужғон ўйнаркан, қассобни гапга соламан: "Бундай ҳол тез-тез бўлиб турадими?"

–Энди ҳар хил одам бор, - каловланди Дилшод исмли қассоб. – 5-6 йилдан бери шу бозорда савдо қиламан. Қўпол муомалага ҳам кўникиб қоларкансан. Лекин ҳозиргидагидек ҳолатга ҳеч дуч келмагандим. Тўғриси, охирги 3-4 ой ичида гўштнинг нархиям ошиб кетгани бор гап.

–Нега?

–Бозорда гўшт кам. Кейинги пайтларда тайёр – семиз моллар танқис бўлиб қолган. Олдинлари вилоятларимиздан машиналаб келарди. Ҳозир бўлса келмаяпти ҳисоб. Чунки у ердаги нарх билан бу ердаги баҳо ўртасида фарқ қолмаяпти-да. Масалан, ҳозир Қашқадарё, Самарқанд вилоятлари бозорларида мол гўштининг килоси 2700-2800 сўмдан сотилмоқда. Бизда эса кўриб турганингиздек, 2900 сўм, жа борса 3200 дан пуллайсиз. Орадаги фарқ 100-300 сўмгача. Ўзингиз бир ўйлаб кўринг, буқани сотиб олиш, шаҳарга олиб келиш... Яна бу ерда чек, жой пуллари дегандай, харажатни қоплайдими? Биз ҳам шунинг орқасидан нон ейишимиз керак-ку?!

Сотувчи қиммат сотсам, олувчи арзон олсам деб тиришиши табиий ҳол. Лекин нарх-навони бозорнинг ўзи белгилайди.

Агар ўтган йилги нархларни эсласак, мол гўштининг 1 кг.ми 2000-2300 сўм атрофида эди. Демак, бир йил ичида 600 сўмдан 800 сўмгача кўтарилган. Бундан кўринадики, чорвадорлар новвос боқиб мўмайгина даромад қилиши мумкин.

–Нолимайман, буқа боқиб, рўзғоримни тебратаяпман. Шунинг орқасидан уй қурдим, тўй қилдим, - дейди қишлоқ тадбиркори, самарқандлик Баҳодир Худойбердиев. – Бироқ ҳозирги кунда ҳўкизни семиртириш осон эмас. Ем-ку майли-я, лекин хашак муаммо. Бир неча йилдан бери ўйлантиради. Олдинлари ангарда қолиб кетадиган сомон ҳам фалон пул. Бедани гапирмаса ҳам бўлади.

Новвосларим бедани кўрмай сўйилиб кетяпти. Молни семиртирадиган нарса кўпчилик ўйлагандек, ем, лекин беданинг ўрни бошқа. Кузатишим бўйича беда майдонлари камайиб кетган. Оз нарса анзират бўлиши ҳеч кимга сир эмас. Масалан, бир боғ беданинг баҳоси ҳозир 300 сўм. Қишга бориб яна ошиб кетади. Чунки ўтган йили 800-1000 сўмдан сотишган пайтлари бўлди. Хуллас, хашакдан тортиб емгача пулга бориб тақалаяпти. Бунинг қишлоқдагиларга оғирлик қилаётгани бор гап. Ўзимдан қиёс. Илгарилари 5-6 бош новвос боқардим. Ҳозир базўр икки бошни эплаяпман. Фойда бўлмагандан кейин нима қиламан зиёнига ишлаб.

–Демак, ҳозир новвос боқиб даромад қилолмаяпсиз? – сўраймиз суҳбатдошимиздан.

–Агар новвос ўзингизники бўлиб, хашак, беда ўзингиздан чиқса, фойда қиласиз, - сўзида давом этади Баҳодир ака. – Одамлар нима учун новвос боқади? Шу ҳақда ўйлаб кўрганмисиз. Уларнинг мақсади фойда олишдан кўра, зарур пайтда нақд пулга айлантириш. Ишонмасангиз сарф-харажатларни бир чўтга ташланг, ўзингиз гувоҳ бўласиз.

Келинг, чорвадор бўлмасак-да мол боқиш учун кетадиган сарф-харажатларни бир ҳисоб-китоб қилайлик. Новвоснинг 100-120 кунда "тайёр" бўлиши тажрибада синаб кўрилган. Шу даврда кунига 3 боғ маккажўхори хашаги, 2 боғ беда, 6 кг ем ейди. Буларни пулга чақсак, 2350 сўмга айланади. Энди буни 100 кунга кўпайтириб, яна бир тиркама сомон пули – 40 минг сўмни қўшинг. 275 минг сўм. Агар ҳўкизнинг ўзини 300 минг сўмга олган бўлсангиз, 575 мингга тушяпти. Ушбу сарф-харажатдаги новвос ўртача 200 килограмм гўшт қилади. Бу гўштни яхлит ҳолда 2500 сўмдан сотасиз. Демак, 575 минг сўм харж қилиб, 75 минг сўм зарар қиляпсиз. Демак, Баҳодир аканинг гапи анчайин ҳақиқатга яқин. Бунга ҳали қилинган меҳнат, сарфланган вақтни қўшмадик. Назаримизда, гўштнинг камайишига сабаб бугун чорвачилик серчиқим тармоққа айланиб қолган. Лекин халқимизнинг гўштга, хусусан, мол гўштига бўлган эҳтиёжи ортса ортяптики, асло камайгани йўқ. Оддий мисол, уйга меҳмон келса гўштсиз таом тайёрламаймиз. Уят ҳисобланади. Тўй-ҳашамларимиз, маърака-ю ўтиришларимиз ҳам гўшт маҳсулотларисиз ўтмайди. Қолаверса, инсон соғлиғи учун ҳам меъёрдаги гўштни истеъмол қилиб туриши шарт. Буни тиббиёт ҳам тасдиқлаган.

Бироқ, бугун кундалик истеъмолимиз учун ҳам гўшт танқисроқ бўлиб қолди. Сабаби республикамизда гўшт етиштириш бироз оқсамоқда. Қайта ишлаш-ку алоҳида мавзу. Мутасадди раҳбарлар бу ҳақда нима дейди? Улар ўз фикр-мулоҳазалари билан ўртоқлашади, деган умиддамиз.

**Бобур МУҲАММАДИЕВ**


**Диққат!**

**Базальт толали иссиқликдан ҳимоя воситаси.**

Қишда иссиқ, ёзда салқин.

**Қўллаш соҳалари:**

Баланд қаватли уйлар томини ёпишда, ташқи ва ички деворларга ишлов беришда, қаватлар ўртасидаги тўшамаларда, ҳаммом ва сауналарда, сув қувурларини ҳимоялашда ишлатиш мумкин.

Ўзбекистонда ишлаб чиқарилган янги қурилиш хом ашёси.

Узоқ чидамлилиги, табиий таъсирларга берилмаслиги, экологик зарарсизлиги, шовқин ўтказмаслиги билан ажралиб туради

**Базальт вата. Рулонли ўрамалар. Юмшоқ тўшама.**

**Тел: (998-71) 118-84-90.**

# Нурчилар ҳузурида

(Боши 1-бетда)

Мисол учун, нефт маҳсулотлари таъминоти тизимига қарашли идоралар 3 миллион 34 минг сўм, "Ўзтрансгаз"нинг вилоят ташкилотлари 2 миллион 785 минг сўм, дон маҳсулотлари корхоналари 1 миллион 686 минг сўм, қишлоқ ва сув хўжалиги бошқармаси эса 2 миллиард 599 минг сўм миқдорида қарздор. Ушбу ташкилот раҳбарларининг хизмат машинаси бир соат тўхтаб қолсин-чи, улар қандай тўполон чиқарарканлар. Бироқ,



электр энергиясидан бўлган катта миқдордаги қарзни ўз вақтида узиш уларнинг хаёлларига келмайди. Уларга ўнлаб эслатма ёзилишига қарамай, қарзни узишни кун тартибидан чиқариб қўйишган кўринади. Вилоят энергетика тизимидаги дебиторлик қарзи катта миқдорни ташкил қилмоқда. Энди айтинг-чи, бундай қарз билан қишни чекловларсиз ўтказиш мумкинми?

Электр қувватидан ўғиринча фойдаланиш, унинг ҳақини тўлашни пайсалга солиш ҳолатлари аҳоли ўртасида ҳам жуда кўп. Масалан, М. исмли шахс электр ҳисоблагичнинг давлат муҳрини бузиб, энергиядан ўзи хоҳлаганча фойдаланган. Айрим кимсалар эса ҳисоблагичдан ташқари яширин разетка улаб, катта миқдорда ўғрилик қилган. Бундай мисолларни истаганча келтириш мумкин ва айбдорлар тегишли жазосини олдилар. Ачинарлиси, улар орасида тузуқ-тузук, зиёли кишилар ҳам бор. Халқимизда, олмоқнинг бермоғи бор, деган ҳикматли гап бор. Бу нақл электр энергиясидан керагича фойдаланиб, сўнгра унинг ҳақини ўз вақтида тўлашдан бош тортаётган истеъмолчиларга кўпроқ тегишлидир. Боиси, вилоятга етказиб берилаётган энергиянинг узлуксизлиги айни унга тўланадиган ҳақнинг ўз вақтида ундирилиши ва энергия ишлаб чиқарувчи корхоналарга етказиб берилишига боғлиқ.



Вилоят халқ хўжалигини, аҳолини узлуксиз электр қуввати билан таъминлаш кўп жиҳатдан нурчиларнинг ўз ишларини нечоғли уддалашларига боғлиқ. "Навоий электр тармоқлари" очиқ акциядорлик жамияти 1833,12 километр узунликдаги 35-110 кВтли ҳаво электр узатгичлар, 71 дона 35/110 кВтли нимстанциялар, 5289,5 километр узунликдаги 6-10 кВтли ҳаво электр узатгичлари 2308 та 0,4/10 кВтли трансформатор пунктларини тасарруф қилмоқда.

– Вилоятдаги истеъмолчиларга жорий йилнинг ўтган саккиз ойи давомида 3958 миллион кВт/соат, яъни 117298,7 миллион сўмлик электр энергияси етказиб берилди, – дейди акциядорлик жамияти ишлаб чиқариш техника бўлими бошлиғи муовини Гулнора Адзизова. – Бундан ташқари, 402537,2 миллион сўмлик капитал таъмирлаш ишлари бажарилди. Аҳолига 29403 минг сўмлик хизмат кўрсатилди. 39 нафар ходимнинг малакаси оширилди.

Яқинда Ёқилғи-энергетика, кимё ходимлари касаба уюшмалари қўмитасининг спорт мусобақалари ўтказилди. Унда корхонамиз ишчи-ходимлари муваффақиятли иштирок этишиб, шоҳмот бўйича – биринчи, волейбол ва футбол бўйича иккинчи ўринни қўлга киритишди. Юқоридаги кўрсаткичлардан кўриниб турибдики, корхонада спорт ишлари жуда яхши йўлга қўйилган. Ҳозир бу ерда замонавий спорт зали, теннис корти ишлаб турибди.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2005 йилдаги 85-сонли қарори ҳамда "Ўзбекэнерго" ДАКнинг 2005 йилдаги 105-сонли буйруғига асосан электр жиҳозлари, хизмат бинолари, машина ва механизмлар ҳамда ходимларни қиш мавсумида ишлашга тайёрлаш бўйича 42 банддан иборат тадбирлар тузилди ва унинг бажарилиши таъминланмоқда.

Корхонада айни пайтда 888 нафар ходим ишламоқда. Шундан 201 нафарини инженер-техник ходимлар ташкил қилади. Энергия сотиш юмушлари билан эса 171 нафар ходим банд. Аҳоли ҳамда 5922 та ташкилотларга хизмат кўрсатилади. Жамиятда қатъий тартиб-интизом йўлга қўйилган. Ишда учраётган қийинчиликлар секин-аста муваффақият билан енгиб ўтилаяпти.

Чунончи, жорий йилнинг биринчи ярмида қарийб 3 миллиард 456 миллион сўм миқдорида соф фойда олишга эришилди. Кўриниб турибдики, бу катта ютуқ ўз-ўзидан қўлга киритилгани йўқ.

– Энергетика тизимида ҳам барча нарсани биринчи навбатда инсон омили ҳал қилади. Буни корхонада ишчи-хизматчилари учун барча шарт-шароитлар яратиб берилганидан ҳам билса бўлади, – дейди корхона касаба уюшмаси раиси Ғайрат Бозоров. – Саккиз ой ичида ишчиларга 8 миллион 500 минг сўмлик моддий ёрдам берилди. Ишчиларнинг 12 нафар болалари "Энергетик", "Нурафшон" сингари дам олиш масканларида ўз соғлиқларини тиклаб қайтишди. 24 нафар ишчига бепул йўлланма берилди. Корхонада кам таъминланган, боқувчисини йўқотган оилалар ҳолидан мунтазам равишда хабар олиб турилади. Уларга имкон қадар моддий ёрдам кўрсатилади.

Маънавият ва маърифат хонасида эса ишчилар ўнлаб турдаги газета-журналларни ўқиб, билимлари ва тасаввурларини бойитадилар. Ишчи-хизматчилар махсус кийим-бош, муҳофазаловчи ҳимоя воситалари билан тўлиқ таъминланган. Аварияга, ёнғинга қарши машқлар мунтазам ўтказилиб келинмоқда. Ходимлар хавфсизлик бўйича синалиб, гувоҳнома олгачгина ишга қўйилади.

– Жамият томонидан чиқарилган акцияларни жойлаштириш мақсадида вилоят ҳокимлигида йиғилиш ўтказилди. Унда жамият чиқарган акцияларни белгиланган муддатларда сотиб олиши лозим бўлган корхона раҳбарларига аниқ топшириқлар берилди, – дейди молия иқтисод бўлими иқтисодчиси Жаҳонгир Нуриддинов. – "Навоийтелеком" корхонаси 204 дона акцияларимизни фонд биржаси орқали ҳар бирини 22300 сўмдан сотиб олди.

– Ўтган қиш нурчиларга ҳам етарли сабоқ бўлди. Мавсумга пухта ҳозирлик кўрилмаган жойларда таъминотдаги узилишлар тармоқ ходимларини ҳам, истеъмолчиларни ҳам оғир аҳволга солиб қўйди, – дейди Навоий вилоят электр тармоқлари очиқ акциядорлик жамиятининг Конимех тумани бўлими бошлиғи Холмат Азимов. – Ҳудудимиздаги мавжуд қувват трансформаторларининг зўриқиб ишлашига йўл қўйиб бўлмайди. Негаки, шундай қилинса, чулғамлар куймайди, совуқ кунларда ҳам олисдаги чўпон ўтовларида чироқ



ёниб туради-да.

– Туманимиз Бельгия давлати ҳудудидан катта. Энг олисдаги Учтепа манзилига тортилган электр симлари туман марказидан 400 чақирим олисда, – дея суҳбатга қўшилди корхона бош муҳандиси Бошир Тўхтаев. – Биз 85 та қишлоқ хўжалиги корхоналарига хизмат кўрсатамиз. Ихтиёримизда 240 дона трансформатор бор. Ҳозиргача истеъмолчиларга 180 дона электрон ўлчагичлар ўрнатиб бердик. Аҳоли ҳам ўлчагичнинг қулай ва хавфсиз эканлигини тўла англаб етмоқда.



Қиш кунларида хотиржам бўлишимиз, электр энергияси тизимининг бир маромда ишлаши, узилишларга йўл қўймаслик учун нима қилиш керак? Энергия хўжалигини мавсумга пухта тайёрлаш, тармоқларда зўриқишнинг олдини олиш, рухсат этилмаган, ясама электр иситиш ва ёритиш асбобларидан фойдаланишга йўл қўймаслик зарур, дейишмоқда соҳа мутахассислари.

– Ана шундай изғиринли кунларда панд еб қолмаслик учун жиддий тайёргарлик кўрдик, – дейди Навоий электр тармоқлари корхонаси молия-иқтисод бўлими бошлиғи вазифасини бажарувчи Қаҳрамон Бўронов. – Бу мавсумда 33 та трактор, 83 та автомашина, 28 та енгил машина соз қилиб қўйилди.

– Баъзилар пинакларини бузишмайди, – дейди куйинчаклик билан "Навоий вилояти электр тармоқлари" очиқ акциядорлик жамияти бошлиғи Одил Жиянов. – Лекин амалдаги тартиб-қоидаларга амал қилиб келаётган инсонлар ҳам кўп. Бир отахонни биламан. Узоқ йиллар далада ишлаган. Ҳозир саксон ёшда. Ҳамон бақувват, тетик. Ҳар ойнинг бошланишида электр ҳақини тўлаш учун корхонамизга келади. Пулни тўлаб кетади. Қани энди орамизда навбаҳорлик бобога ўхшаган инсонлар кўп бўлса эди. Биз ўз фаолиятимизда ана шундай инсонларга орқа қиламиз.

"Электр тармоқлари" очиқ акциядорлик жамиятидан қайтаётганимизда кўнглимиздан бир ўй кечди: узу-кун хонадонларимизни чароғон этиб, кўнгилларимизни хотиржам этиб келаётган нурчиларнинг қўллари асло толмасин. Юртимизда чироғи ёниқ хонадонлар кун сайин кўпайиб бораверсин.

**Улуғбек ЖУМАЕВ,**
**"Қишлоқ ҳаёти" мухбири.**




## Болалар сони камаймоқда

***Россия соғлиқни сақлаш ва ижтимоий ҳимоя вазирлиги ҳукуматга мамлакатда ёш болалар сони камайиб кетганлиги, улар ўртасида хасталар ва ногиронлар сони кўпаяётганлиги ҳақида ахборот берди.***



Ахборот материаллари асосида болалар ўлимининг олдини олиш юзасидан ҳукумат 2010 йилгача бўлган давр учун чора-тадбирлар режасини ишлаб чиқиши ва молиялаштириши керак. Маълумотларга қараганда, кейинги 10 йил ичида Россияда болалар сони 7 миллионга камайиб, ҳозирда 10 миллион нафарни ташкил этади. Туғилган чақалоқларнинг 68,7 фоизи турли касалликлар билан туғилмоқда. Онкологик касалликларга чалинган болалар сони 3 баробарга ошган. Ўтган йил охирида қандли диабет билан оғриган болалар 17 минг нафарга етган. Мамлакатда гўдаклар ўртасида ўлим кўрсаткичи ҳамон юқори бўлиб, ҳар йили бу кўрсаткич 22 минг нафарни ташкил этади.

## Эриб бораётган Арктика

***BBC телекомпанияси хабарларига кўра, 2060 йилга келиб Арктикада муз қатламларидан асар ҳам қолмайди.***



Чунки кейинги 4 йил мобайнида Арктика муз қатламлари эриш суръати жадаллашиб кетган.

Ернинг сунъий йўлдошларидан олинган суратлар таҳлили ҳозир Арктикадаги муз "қалпоғи"нинг майдони 5,35 миллион кв.м² ни ташкил этишини кўрсатди. Бу 1978-2000 йиллардагидан 20 фоиз камдир.

## "Озодлик музейи" қурилмайди

***2001 йил 11 сентябрда портлатиб юборилган Нью-Йоркдаги Халқаро савдо маркази ўрнида барпо этиладиган "Озодлик музейи" режаси бекор қилинди.***



Бундай қарор қабул қилган Нью-Йорк штати губернатори террористик ҳаракат қурбонлари яқинларининг талаби шундай эканлигини айтди. Режа бўйича музей озодлик, тенглик ва тинчлик ғоялари билан йўғрилган асарлар билан безатилиши керак эди. Лекин теракт қурбонлари яқинлари музей шаҳидлар хотирасини акс эттирувчи экспонатлар билан жиҳозланишини талаб қилишмоқда. Штат сенатори Хиллари Клинтон губернатор қарорини маъқуллаб, ўтганлар хотирасини ҳурмат қилиш муҳимлигини айтган.

## Туркия ЕИга кирадими?..

***Туркияни Европа Иттифоқига қабул қилиш учун 3 октябрда музокаралар бошламоқчи бўлган Европа Иттифоқи парламенти ултиматум қўйди. Унга кўра, Туркия Кипр мустақиллигини тан олиши ва унга нисбатан савдо санкцияларини бекор қилиши керак.***

Европарламент талабларига қарамасдан турклар Кипр кемаларини ўз портларига киритмаяпти. Бу ҳолат 2006 йил охиригача бартараф этилмаса, Туркия Европа Иттифоқига қабул қилинмайди.

## "Само воҳаси"даги топилма

***Аргентинанинг шимолий ҳудудида жойлашган "Само воҳаси" деб аталган жойдан оғирлиги 10 тонна бўлган метеорит топилган.***



Шу кунларда олимлар унинг ёшини аниқлаш устида иш олиб боришаётир.

Уларнинг фикрича, бундан 4 минг йил муқаддам бу ҳудудга кучли метеорит ёмғири ёққан. Ҳозирча топилма ҳам ўша даврга тегишли, деб фараз қилинмоқда. Дунёдаги энг катта бўлган 37 тонналик само жисми ҳам худди шу воҳадан топилган эди.

## Тўфон келтирган муаммо

***Тўфонлардан сувда қолган ва вайрон бўлган Янги Орлеанада янги муаммо пайдо бўлди. Шаҳар коммунал хизмати хабарига кўра, 22 миллион тонна ахлат чиқиндилари тўпланиб қолган.***



Бундай ҳажмдаги чиқиндиларни олиб чиқиш учун уч ярим миллион ахлат ташувчи автомашина керак бўлади.

Ахлатлар чириб, касаллик тарқатувчи манбаларга айланганлиги туфайли уларни ташиш учун кўплаб махсус ҳимоя ва техника воситалари талаб этилади. Шаҳар мэрининг гапларига қараганда, уй-жойлари бузилмаган шаҳар аҳолиси яқин кунларда яшаш жойларига қайтишлари мумкин. Бу эса шаҳарда тезроқ озодалик ўрнатишни тақозо этмоқда.

**Р.ЁДГОРОВ тайёрлади.**

# Меҳнат қилган кам бўлмас

ОРАМИЗДАГИ ОДАМЛАР

***– Деҳқон учун бирор йил осон келмаган, гоҳ ёғингарчилик сабаб вақтида ерни ҳайдаёлмайсан, гоҳ қишнинг чўзилиши оқибатида баҳорда қор, дўл ёғиб экинларни "уриб" кетади. Эҳ-ҳе, айтаверсак гап тугармиди, - дейди Зомин туманидаги "Абдуалим" фермер хўжалиги раиси Ўрол Абдуалимов. – Ҳамма гап меҳнатда, астойдил меҳнат қилсанг, ер ҳам ўз саховатини аямайди. Баъзан "менга ёмон жой-ни беришган, умуман ҳосил олиб бўлмаяпти, ернинг мелиоратив ҳолати ёмон" қабилидаги ёзғиришларни эшитиб қоламан. Ундайлар меҳнатдан қочади, вақтида ишлов бермайди, ўғитларни агрохимкарта асосида бермайди. Лотокдаги сувни дренажларга ташлама қилиб қўйиб, қуйқа бостиради. Хўш! Шундай ҳолда кўзлагандек ҳосил олиш мумкинми? Албатта, йўқ!***

–Ёшлигимнинг энг гуллаган даври уруш йилларига тўғри келди, - дейди Ўрол Абдуалимов. –Қўлига қурол ушлай оладиган борки, урушга олиб кетилар, қишлоқда неки юмуш бўлса, биз болалар билан аёллар зиммасида эди. Манфур урушнинг охири кўринмасди. Эртаю кеч даладамиз, омоч ҳайдаймиз, буғдой экамиз, ўроқ ўрамиз, янчамиз. Озроқ бўшадик дегунча сувга юборишади. Энг яқин ҳовуз ҳам даладан уч чақиримча узоқда. Асосий улов эшак. Эшакнинг икки ёнидаги хуржунга 8 та сопол кўза жойлаб сувга бориб келамиз. Келганимиз ҳамон аёллар ўраб олиб бошидаги рўмолларини ечарди-да, сувни сузиб оларди, чунки ёзда ҳовуздаги сув оппоқ бўлиб қуртлаб кетарди. Шундай бўлса-да бирор киши ушбу сувдан касал бўлганини кўрмаганман. Кеч тушгач эса, бир бурда нон олиб уйга қайтамиз. Етиштирилган ҳосилнинг деярли ҳаммасини давлатга топширишга мажбур қилишарди. Хирмондан бир кафт ғалла олган киши "давлат хоини" бўлиб, қамалиб кетаверар эди.

– Нон ширин эди, жуда ширин, - дейди Ўрол ака, болалигини эслаб. – Ўшанда билганмиз ноннинг қадрини, меҳнатнинг роҳатини. Қанча қишлоқдошларимиз меҳнат қилмай нон топамиз деб узоқ Сибирда қолиб кетди. Шу-шу меҳнат қиламан. Ўқитувчи ҳам, участка бошлиғиям, собиқ шўрода инспектор бўлдим, ижроқумда ҳам ишладим. 1990 йилда хўжалик раҳбарлигидан нафақага чиқдим. Бир умр "пенсия"-га чиқсам мазза қилиб дам оламан, ёр-биродарларни, қариндош-уруғларни, фарзандларни хоҳлаганда кўраман, мириқиб суҳбатлашаман деб ўйлардим. Меҳнат қилишга ўрганган одам уйда ўтиролмас экан...

1995 йили "Абдуалим" фермер хўжалигини ташкил этиб, 20 гектар майдонда деҳқончилик қила бошладим. Ўша пайтдаги фермерларга осон эмас эди, техника кам. Ҳозир ҳамма турдаги техникамиз бор. Бу борада муаммо йўқ. 2000 йилда қўшимча яна 30 гектар ер майдони олдим. 2003 йилда туманда зарар кўриб ишлаётган паст рентабелли ва истиқболсиз хўжаликлар тугатилиб, ерлари фермер хўжаликларига айлантирилди. Шундай жойлардан яна 50 гектар ер олдим. Ўтган йили давлатга 80 тонна ўрнига 90 тонна ғалла, 100 тонна ўрнига 112 тонна пахта топшириб, 30 миллион сўм даромад қилдик, шундан соф фойда 7 миллионни ташкил этди.

Бу йил 45 гектар ердаги "крошка" навли буғдойдан хирмон кўтариб, шартномавий режани 110 фоизга бажардик. Соф фойдамиз ҳам 4 миллион сўмга яқинлашди. Давлатга сотгандан ташқари ўзимизга 40 тонна буғдой қолди. Бунинг бир қисмини ишчиларга тарқатдик, яна бир қисмини кам таъминланган оилаларга улашдик. Мазкур йилда давлатга тузган шартномавий режамизга кўра 100 тонна пахта топширишимиз керак, бугунгача 60 тоннадан ошиқроқ топширдик. Буни қарангки, жорий йилнинг 15 май куни кучли дўл ёғиб, 35 гектар ердаги энди униб чиққан кўчатни "уриб" кетди. Зудлик билан 16 май куни қайта чигит қададик. Кўриб турганингиздек шу далаларда ҳам пахта қийғос очилган. Эрта-индин буни ҳам терамиз. Кўзлаган маррадан ўтишимиз аниқ. Галдаги вазифамиз пахтани неснобуд қилмай териб олиш билан бирга буғдойга жой тайёрлаш, ҳозирдан далада ҳандак ковлаб гўнг тайёрлаб қўйишдир. Парвариш пайтида пахтага, ғаллага компаст қилиб берамиз. Шарбат қилиб оқизамиз. Бу ишларнинг ўзи бўлмайди, албатта. Бунинг замирида катта меҳнат ётибди. Меҳнатнинг таги роҳат, деб бекорга айтишмаган экан. Масалан, 1998 йилда анча эскириб қолган уйимизни қайта таъмирладик, 2001 йилда ҳаж зиёратига бориб келдим, ўтган йили "Нексия" автомашинаси сотиб олдик. Ҳаммаси шу фермерликнинг ортидан, меҳнатимиздан.

Зомин деган элнинг меҳнаткаш ўғлони Ўрол Абдуалимов фаолияти хусусида мухтасаргина сўзлаб бердик, холос. У киши бу йил 75 ёшни қоралади. Ота бардам, бақувват.

"Ҳали кўп йиллар далада тер тўкишга етарли куч-қувватга эгаман", - дейди Ўрол ота сўзининг якунида. Илоҳим, шундай бўлсин!

**Толибжон ЭРГАШОВ,**
**"Қишлоқ ҳаёти" мухбири.**

Товар сертификатланган

"ТЕХСЕЛЬСНАБ" МЧЖ

Тошкентдаги омборхонадан Россия ва Украина заводларида ишлаб чиқарилган енгил ва юк автомобиллари ҳамда қишлоқ хўжалик (ғалла ўриш комбайни, тракторлар Т-150, МТЗ, МХ-135, ТТЗ) шиналарини таклиф қилади





Пул ўтказиш йўли билан ғалла ва пахтанинг 23210, 23220 траншларини ҳам қабул қилади.

Тошкент ш., Чилонзор-2, Гагарин кўч., 26-уй

Тел.: 77 1210, 77 1451, 79 9468, 103 7234, 158 8575.

ЗАО "Кремльинвест", находящиеся по адресу Российская Федерация, г.Москва Алтуфьевское шоссе д.28, имеет намерения купить акции простые именные безналичные ОАО "SHODLIK" расположенного по адресу г.Ташкент ул.Пахтакорская, 5, в количестве 428000 штук, что составляет 34,93 % от общего Уставного фонда.

Тел: 136-14-64.

Утерянный гос.ордер № 0019647, от 05.02.2003 г. права собственности Закирова Дониля Ильдусовича на квартиру, считать недействительным.

## Ҳурматли ишбилармон ва тадбиркорлар!

"AUKSION-RIELT" корхонаси сизларни аукцион савдоларига таклиф қилади!

Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги суд қарорларини ижро этиш, судлар фаолиятини моддий техника жиҳатидан ва молиявий таъминлаш департаментининг Тошкент вилояти Янгийўл тумани суд ижрочилари бўлинмаси томонидан тақдим этилиб, 2005 йил 15, 22, 29 март, 3, 10, 17, 24, 31 май, 21, 28 июнь, 5, 12, 19, 26 июл, 16, 23, 30 август ва 6, 13 сентябр кунлари аукцион савдоларида сотилмаган, Тошкент вилояти, Янгийўл тумани, "Ҳ.Турсунқулов" ширкат хўжалиги, "Шўралисой" ҚФЙда жойлашган "САЛФАР" фермер хўжалигига тегишли, бошланғич нархи 60550755 сўм бўлган бино ва иншоотлар 2005 йил **4, 11, 18, 25 октябр кунлари соат 10:00** да бўладиган аукцион савдоларига қайта қўйилади.

**Аукционда қатнашиш учун харидорлар объект бошланғич нархининг 10 фоизи миқдорида гаров пули тўлашлари шарт. Савдода қатнашиш тартиби ва шартлари билан боғлиқ барча масалалар юзасидан қуйидаги манзилга мурожаат қилишингиз мумкин:**

**Тошкент шаҳри, Шайхонтоҳур тумани, Халқлар Дўстлиги кўчаси, 8"б"-уй.**

**Телефонлар: 133-61-86, 133-65-41.**

Корхонанинг гувоҳномаси № 000267

Тошкент шаҳар Шайхонтоҳур туманидаги "Умида Равшан қизи" хусусий фирмаси (ОКПО бўйича код 19781862) 2005 йил 1 октябрдан тугатилади. Даъволар эълон чоп этилган кундан бошлаб икки ой давомида қабул қилинади. Манзил: Ҳувайдо кўчаси 12-уй 2-хонадон.

Тел: 114-47-52.

## ПРОДАЖА АВТОМОБИЛЕЙ "ГАЗ"



ГАЗ-2705 | ГАЗ-2705-КОМБИ | ГАЗ-3221 | ГАЗ-3302 | ГАЗ-33023



ГАЗ-3102 | ГАЗ-31105 | ГАЗ-3307(09)

**ГРУЗОВЫЕ, ГРУЗОПАССАЖИРСКИЕ, ПАССАЖИРСКИЕ - Цельнометаллические и бортовые с тентом. ЛЕГКОВЫЕ, СПЕЦ АВТОМОБИЛИ: ПРОМТОВАРНЫЕ, ИЗОМЕТРИЧЕСКИЕ, ХЛЕБОВОЗ, МУСОРОВОЗ, ПЕРЕВОЗКА ГАЗБОЛОНОВ, ЭВАКУАТОРЫ, СКОРАЯ ПОМОЩЬ и другие на базе ГАЗЕЛЬ, ГАЗ-3307(09)**

г. Ташкент, тел/факс 168 0961. E-mail: prima74@mail.ru

# «Сизни Манғит эшитади»



***Кейинги ўн йиллик “Қорақалпоқтелеком” ходимлари учун ғоят масъулиятли ва муваффақиятли давр бўлди.***

Кунчиқар мамлакат-Япония билан мустаҳкам алоқа ва узоқ муддатли кредитлар, кўп сонли жамоа аъзоларининг машаққатли меҳнатлари эвазига Оролбўйидаги энг олис овулларга ҳам шиша толали кабеллар тортилиб, электрон автомат телефон станциялари барпо этишнинг иккинчи босқичи якунланди. Натижада жуда катта ҳудудни эгаллаган Қорақалпоғистонда телефон алоқаси хизмати бутунлай яхшиланди.

**ХИЗМАТ**

Ваҳоланки, бундан икки йил олдин ҳам Манғит шаҳри билан телефон алоқасини амалга ошириш ғоят мушкул эди. “Нукус-Манғит” оралиғига шиша толали кабеллар ётқизилиб, электрон автомат телефон станцияси барпо этилиб бу муаммо ҳал этилди. Айни пайтда Амударё туманида 4304 та телефон нуқталари бетўхтов ишлаб турибди. Улар асосан “Хуабей” компанияси аппаратуралари ёрдамида бехато хизмат кўрсатиб, мижозларнинг бир зумда жаҳоннинг хоҳлаган нуқтаси билан боғланиш имконини бермоқда.

–Яқинда қишлоқларда “Узбекмобайл”нинг симсиз телефонлари ишлай бошлайди, - дейди “Қорақалпоқтелеком”нинг Амударё тумани боғланмаси бошлиғи Ортиқ Шомуродов. –Бунинг учун айни пайтда охирги тайёргарлик юмушлари олиб борилмоқда.

Эндиликда амударёлик алоқачилар хизматига мижозлар томонидан юқори баҳо берилмоқда. Чунки мамлакатимизнинг қайси бурчагидан телефон қилсангиз ҳам шу захотиёқ – “Сизни Манғит эшитади”, деган жарангдор овозни эшитасиз.

**Абдураҳмон ИСКАНДАРОВ,**
**“Қишлоқ ҳаёти” мухбири.**
**Суратда: Манғит электрон алоқалари станцияси оператори Насиба ҚУВВАТОВА.**

# Саҳронинг ҳам ўз сири бор

(Боши 1-бетда)

Бу сариқ қум жуда яхши қурилиш хомашёси ҳисобланади. Чироқчилик қурувчилар ундан кўчаларни асфальтлашда, кўркам бинолар бунёд этишда фойдаланмоқдалар.

Энди гап ўзанини яна “Торжилға”га бурсак. Торжилға ана шу дарёдан ажраб чиқиб, ушбу қишлоқ ўртасидан оқиб ўтган ирмоқнинг номи. Йиллар ўтиб дарё суви камайиши оқибатида жилға ҳам торайиб кетаверган. Одамлар манзил қилган бу жойни “жилға суви торайган жой”, бора-бора эса “Торжилға” деб атай бошлаганлар.

Шўролар бу қишлоққа “Гулистон” деб ном беришган. Қишлоқ аҳлининг хоҳиш-истаги билан бу ерда мустақиллик йилларида “Торжилға” қишлоқ фуқаролар йиғини ташкил этилиб, қишлоқнинг асрий номи тикланди.

Дарвоқе, торжилғалик кексаларнинг ҳикоя қилишларича, бу қишлоқда “Темур супа” деган жой бор. Буюк юришларга отланган Темур бобомиз навкарлари билан ўтиб кетаётиб, дам олиш мақсадида ушбу жойда тўхтаб, қўшинга дам бериб, сўнгра яна йўлга отланганлигини айтадилар. Бу ҳол бир неча марта такрорланган, шекилли, маҳаллий аҳоли бу жойни “Темур супа” деб атай бошлаган. Шунча йиллар ўтса-да, бу ном тарих силсиласида йўқолмай бизгача етиб келди.



Чўлдаги мана шу қишлоқ дунёнинг кичик зарраси. Менинг болалигим мана шу сирли гўшада кечаётганидан фахрланаман. Дарёнинг бундай аталишига сабаб шулки, дарё суви таркибида сариқ қум жуда ҳам кўп бўлади. Баҳор сўнггида дарё ўзанида сариқ қум уюмлари қолиб кетади. Буни Қумдарё кўпригидан туриб кузатиш, айниқса, мароқли.

**Лазизбек ШОХЎЖАЕВ,**
**Чироқчи тумани.**


## АК "Ўзулгуржисавдо"

**Реализует со склада в г.Ташкенте следующую продукцию:**

***Трубы ВГП, ГОСТ 3262-75**
20Х2,8 мм, 40Х3,5 мм, 50Х3,5 мм.
***ТРУБЫ Э/СВАРНЫЕ, ГОСТ 10705-80**
57Х3,5 мм, 76Х3,5 мм, 89Х4 мм, 102Х4-5 мм, 108Х4 мм, 114Х4 мм, 159Х6,8 мм, 168Х8 мм, 219Х8,9; 10 мм, 325Х8 мм, 377Х8 мм; 426Х6-18 мм.
*Листы стальные Г/К 11,12 мм
*Электроды сварочные МР-3 Ø 4 мм
*Оборудование для парикмахерских
*Алюминиевые подвесные потолки
*Подвесные потолки картонного типа “Армстронг”
*Перфораторы разных марок, электродрели
*Электропилы дисковые для резки металла
*Пилы дисковые для резки металла ø 35,40 мм
*Ручные электрофрезы, электропилы (для резки кафеля и алюминия)
*Эсксопилы
*Слесарно-монтажные инструменты (фрезы, сверла, метчики, ключи гаечные, плашки, алмазные бруски)
Припой ПОС-30, ПОС-40 Электроды нержавеющие – НЖ-13, ЦЛ-11 ø 4 мм
*Мини-генераторы бензиновые
*Наборы инструментов
*Плитку облицовочную керамическую
*Плитку облицовочную половую
*Кубики керамические неглазурованные для мозаичных работ
*Электрооборудование (насосы, водяные помпы)
*Аэрогенераторы и солнечные генераторы
*Мельницы для размола муки
*Оборудование для очистки риса
*Пиломатериалы, деловая древисина

**Так же имеем возможность поставить по заказу Магистральные трубы в течении 15-17 дней ГОСТ 20295-85; ГОСТ Р52079-2003 и др. ТУ 14-3Р-01-93, следующих диаметров:**
**530 х 7-24 мм; 610 х 7,9-24 мм; 630 х 7-24 мм**
**720 х 7,3-30 мм; 762 х 7,9-30 мм - 30 мм**
**1020 х 8,8-32 мм; 1067 х 9-32 мм**

***При больших объемах поставок труб могут быть снижены цены***

**Имеет возможность поставить по заказам потребителей:**

***Мини-шиферный завод *Мини-оборудование для производства полиэтиленовых труб *Мини-завод по выпуску хлопкового масло *Солнечные электростанции *Мини-мукомольный завод Мини-завод по переработке хлопковых семян *Трубы и металлопродукцию всех размеров Товар сертифицирован**

г.Ташкент, ул.Навои, 7. Тел.: 139-27-15, 139-27-16, 144-59-53.
E-mail: uz_savdo@mail.ru





## Рустам дуранг билан бошлади

***Узоқ кутилган шоҳмот бўйича Жаҳон чемпионати ниҳоят бошланди. Аргентинанинг Сан-Луис шаҳри мезбонлик қилаётган мазкур Жаҳон биринчилигига 28 сентябр куни старт берилди.***

Кўпчилик шоҳмот ихлосмандлари ва мутахассислар томонидан катта қизиқиш билан кузатилаётган чемпионатда дунёнинг энг кучли саккиз гроссмейстерлари иштирок этаётгани ҳақида аввал хабар бергандик.

Улар орасида бир аёл шоҳмотчининг ҳам борлиги мусобақаларни янада қизғинроқ тус олишига омил бўлмоқда. 28 сентябр куни ўтказилган биринчи учрашувларда қуйидаги шоҳмотчилар бир-бирига қарши дона суришди.

Рустам Қосимжонов – Александр Морозевич, Петер Леко – Веселин Топалов, Юдит Полгар – Вишванатан Ананд, Петр Свидлер – Майкл Адамс.

Ҳамюртимиз Рустам Қосимжонов ўзининг биринчи партиясида Россия вакили Александр Морозевичга қарши беш соатдан кўпроқ баҳс юритди. Қизиқарли ва ажойиб комбинациялар остида ўтган мазкур беллашув 54 юришдан сўнг дуранг билан якунланди.




Петер Леко ва Веселин Топалов ўртасидаги партия эса 40 юришдан сўнг болгариялик шоҳмотчининг ғалабаси билан якунланди.

Турнирдаги ягона аёл шоҳмотчи Юдит Полгар ва Вишванатан Ананд ўртасидаги баҳсда ҳинд гроссмейстери ғалаба қозонди. Ўйин 41 юришда ўз ниҳоясига етди.

Петр Свидлер ва Майкл Адамс баҳси эса биринчи турдаги энг қисқа партия бўлди. Ўйин 21 юришдан сўнг дуранг билан якунланди.

29 сентябр куни эса иккинчи тур баҳслари бўлиб ўтди. Унда Рустам Қосимжонов – Петр Свидлер, Петер Леко – Александр Морозевич, Майкл Адамс – Юдит Полгар ва Веселин Топалов – Вишванатан Ананд жуфтликлари бир-бирини синовдан ўтказади.

Шоҳмотчилар икки даврада ҳар бири 14 партиядан баҳс ўтказади. Ғолиб 15 октябр куни аниқланади ва у 300 минг АҚШ доллари миқдорида мукофотга эгалик қилса, иккинчи ўрин соҳибига 200 минг, учинчи бўлганга 140 000 АҚШ доллари насиб этади.

## Навбатдаги ғалаба

***Гамбургда афсонавий немис боксчиси Макс Шмиллингнинг 100 йиллик юбилейи муносабати билан профессионал бокс жанглари уюштирилди.***

Кечанинг асосий жанги сифатида WBO версияси супероғир вазн чемпиони АҚШлик Леймон Брюстер ва германиялик Луан Красник ўртасидаги жанг эътироф этилган бўлса-да, биз учун ундан да аҳамиятлиси ҳамюртимиз Руслан Чагаев ва бразилиялик Юсимар Ипполито ўртасидаги “муштлашув” эди. 18 бор профессионал рингга кўтарилган Руслан бу жангда ҳам рақибидан анча устунлигини намойиш этди. Биринчи раунддаёқ рақибини икки бор полга қулатган Руслан жангни давом эттиришига бразилиялик боксчининг мураббийлари йўл қўймади. Жангни бундай кескин бошланишини кутмаган Ипполито устозлари сочиқ отиб таслим бўлганликларини маълум қилишди. Леймон Брюстер ва Луан Красник ўртасидаги жангда эса амалдаги чемпион, Брюстер ғалаба қозонди.

Эслатиб ўтамиз, Бюстер ушбу чемпионлик камарини Владимир Кличкодан тортиб олганди ва у бу сафар уни учинчи бор муносиб ҳимоя қилди.




## Кучлилар ғалаба қозонди

***Чоршанба куни Европа клублари ўртасида ўтказилаётган чемпионлар лигаси баҳсларининг 2-тур учрашувлари бўлиб ўтди. “Е”, “F”, “G” ва “Н” гуруҳлари ўртасидаги мазкур ўйинлар кескин ва муросасиз курашлар остида ўтди.***

**“Е” гуруҳи:** “Шальке-04” – “Милан” 2:2
Голлар: Ларсен, Хамит Олтинтоп; Зеедорф, Шевченко
“Фенербахче” – “ПСВ” 3:0
Алекс (2 та) Аппиа

Бу гуруҳда икки учрашувда тўрт очко жамғарган “Милан” биринчи ўринда бормоқда. “Фенербахче” ва ПСВ “Эйндховен” ҳисобида эса уч очкодан бор.

**“F” гуруҳи:** “Русенборг” – “Лион” 0:1
Гол: Крис
“Реал” – “Олимпиакос” 2:1
Раул, Салгадо; Кафес




Ўтган турда “Реал”ни 3:0 ҳисобида доғда қолдирган “Лион” яна ғалаба қозонди ва ўз гуруҳидаги мавқеини кўтариб олди. Мадриднинг “Реал”и эса грек жамоаси устидан қийинчилик билан қозонилган ғалаба эвазига уч очколик бўлди.

**“G” гуруҳи:** “Ливерпул” – “Челси” 0:0
“Андерлехт” – “Бетис” 0:1
Гол: Оливейра.

“Челси”нинг зафарли юришини “Ливерпул” тўхтатиб қолди. “Бетис” эса ўтган турда “Ливерпул”га имкониятни бой берганди ва Оливейранинг голи испаниялик футболчиларга уч очко келтирди. “Челси” ва “Ливерпул” ҳозирча тўрт очкодан жамғариб, гуруҳда етакчилик қилмоқда.

**“Н” гуруҳи:** “Интер” – “Глазго Рейнджерс” 1:0
Гол: Писарро
“Порту” – “Артмедиа” 2:3
Голлар: Лучо Гонсалес, Диего, Петрас, Козак, Борбели.

Европа футбол мутахассислари томонидан бу йил имконияти юқори баҳоланаётган “Интер” Чемпионлар лигасида ҳам ишончли ўйин намойиш этмоқда. Икки учрашувдаги икки ғалаба Италия жамоасини ўз гуруҳида якка пешқадамга айлантирди.

Иккинчи ўрин учун кураш эса асосан “Глазго Рейнджерс” ва “Артмедиа” ўртасида кечадиган кўринади. Чунки “Порту” негадир сўнгги вақтларда ишончсиз ўйинлари билан мухлисларини ранжитмоқда.

**Фазлиддин АБИЛОВ тайёрлади.**


Мен, Россия Федерацияси, Санкт-Петербург шаҳри фуқароси Пщихачев Артур Тутович, Андижон вилояти Марҳамат шаҳри Мустақиллик кўчаси 54-уйда жойлашган “Марҳамат электротехника заводи” ОАЖ қўшимча чиқарилган эълон қилинган 58857 дона оддий нақдсиз акцияларни, яъни Низом жамғармасига нисбатан - 30,03 фоиз акцияни сотиб олишимни маълум қиламан.

Ўзбекистоннинг йирик ва универсал банкларидан бири
## ХАЛҚ БАНКИ
Мижозларга 20 га яқин, шу жумладан янги, жозибадор “Фаровон”, “Маржон” омонат турларини таклиф этади.

“Фаровон”
қисқа муддатли, сақлаш муддати 3 ой,
даромад миқдори йиллик 35% ҳисобида,
бошланғич бадал 100 000 сўм.

“Маржон”
қисқа муддатли, сақлаш муддати 6 ой,
даромад миқдори йиллик 32%
ҳисобида, бошланғич бадал 50 000 сўм.

*Омонатларга пул маблағлари Халқ банкининг барча муассасалари орқали қабул қилинади.*

ОМОНАТИНГИЗНИ ИШОНЧЛИ БАНКДА САҚЛАНГ ВА КЎПАЙТИРИНГ!

ТАШКИЛОТ ТОШКЕНТДАГИ ОМБОРДАН
автомобиллар ва қишлоқ хўжалиги техникаси учун қуйидаги корхоналарда ишлаб чиқарилган кенг ассортиментдаги
ШИНАЛАРНИ
сотади:
Омскшина, ЯШЗ, Волтайр, Уралшина
ЕНГИЛ МАШИНАЛАР УЧУН, ЕНГИЛ ЮК ТАШУВЧИ МАШИНАЛАР УЧУН, ОҒИР ЮК ТАШУВЧИ МАШИНАЛАР УЧУН, ҚИШЛОҚ ХЎЖАЛИГИ ТЕХНИКАСИ УЧУН
Тел.: (99871) 137-10-61, 137-20-76, 137-20-84, 334-64-21
*Шиналар буюртма бўйича 30-35 кунда Украина ва Россиядан вагонларда келтирилади.*
ИСТОК, ROSAVA, DNEPROSHINA ДНЕПРОШИНА, ИСТОК
Улгуржи ва чакана савдо қилиш филиаллари манзиллари:
*Наманган ш.,Дўстлик шоҳкўчаси,1-А уй. Тел.: (3692) 24-56-60.*
*Андижон ш.,Мирпустин к.,20-уй. Тел.: (3742) 24-04-88.*
*Данғара ш.,Тошкент к.,74-уй. Тел.: (37357) 2-19-06.*
*Термиз ш.,Ч.Сафаров к.,80-уй. Тел.: (37622) 2-45-85.*
ТОВАРЛАР СЕРТИФИКАТЛАНГАН. ХИЗМАТЛАР ЛИЦЕНЗИЯЛАНГАН.

"AVTOTRAK"® илмий-ишлаб чиқариш маркази
Россиядаги АМО ЗИЛ ва “Турботехника” бирлашмаларининг вакили.
Автомобилларга дизел двигателларини ўрнатишга давлат патентларига эга ва тегишли буюртмалар қабул қилади.
Қуйидаги таъмирланган техника ва эҳтиёт қисмларни СОТАДИ:
КС-2561Е (ЗИЛ-130) русумли дизел ўрнатилган АВТОКРАН;
Автомобилларга мослаштирилган МТЗ дизеллари ва блок-кожухлари «центровкаланган»; ЗИЛ-130 мотори; ЗИЛ-4331 распилителлари; “ИКАРУС” плунжерлари; “Алтай”, “Авиа”, “Каммінз”, ЮМЗ-ларнинг валлари, блоклари...
Ҳар хил турбокомпрессорлар ҳам жиҳозланади ва сотилади.






Тўловлар-турлича: лизинг ва бошқа вариантлар
Манзил: Тошкент, Аэродромная кўчаси, 5-кўчаси
(Мўлжал: ТЭА, 6-Қорасув; № № 21; 49 автобуслар)
Тел.: 159-48-00, 123-65-43

Қишлоқ хўжалиги корхоналари ва фермер хўжаликлари диққатига!
Корхона
Янги ва таъмирланган ТТЗ-80.11, ТТЗ-80.10, МТЗ-80.Х, ВТ-150, Т-4А русумли тракторларини ҳамда янги КХУ-4Б русумли культиваторн, 2ПТС-4-793А-03, -04 русумли прицепи, ЧКУ-4А русумли чизель-культиватори, ОВХ-600 русумли узел жамламаси, ПЯ-3-35 русумли плугларини ва агрегатларини сотади.
Таъмирталаб ТТЗ-80.11, ТТЗ-80.10, Т-28х4, МТЗ-80.Х, ВТ-150, Т-4А, ДТ-75 русумли тракторларини келишилган нархларда сотиб олади.
Ҳисоб-китоблар пул ўтказиш йўли билан амалга оширилади.
Маҳсулотлар сифати кафолатланган.
Тел: 8(371) 144-90-47, 144-05-42, 144-16-46.


Ўзбекистон Фермер хўжаликлари уюшмаси жамоаси уюшманинг Самарқанд филиали раиси Жалил Давлатовга акаси

**Комил ДАВЛАТОВ**нинг

вафоти муносабати билан чуқур таъзия изҳор этади.


Бош муҳаррир **Ўткир РАҲМАТ**

**ТАҲРИР ҲАЙЪАТИ:** Саид АҲМАД, Озод ШАРОФИДДИНОВ, Ағитай АДИЛОВ, Фахриддин КАЛОНОВ, Комилжон МАМАЖОНОВ, Суннат САЙДАЛИЕВ, Ҳабиб ТЕМИРОВ, Ғафур ШЕРМУҲАММАД.

МУАССИСЛАР: Ўзбекистон Республикаси Агросаноат комплекси таркибидаги ҳамда шу тармоққа дахлдор вазирликлар ва идоралар

**ТЕЛЕФОНЛАР:** Хатлар ва жамоатчилик билан алоқалар бўлими – 136-58-83, 136-56-25, Котибият - 133-95-17, Реклама ва эълонлар - 133-44-43, 136-54-44, 133-28-04, Факс - 133-44-43, 133-40-87

**ВИЛОЯТ МУХБИРЛАРИ:** Қорақалпоғистон Республикаси – 8-361-58-512-17; Андижон – 8-374-22-234-08; Бухоро – 8-365-22-644-61; Жиззах – 8-372-22-648-72; Навоий – 8-436-22-60-525; Наманган - 8 – 369-41-234-23; Фарғона – 8-373-61-221-97; Самарқанд – 8-366-2-33-70-57; Сурхондарё – 8-376-46-526-61; Сирдарё – 8-367-37-23-813; Тошкент – 8-371-136-56-21; Хоразм – 8-362-22-623-50; Қашқадарё – 8-375-22-517-65.

Реклама ва эълонлар матни учун буюртмачи жавобгар
ⓗ -тижорат мақола

**МАНЗИЛИМИЗ:** 700083, Тошкент, Матбуотчилар кўчаси, 32-уй

**Навбатчи:** Д.МАТКАРИМОВА
**Саҳифаловчилар:** Р. ЁДГОРОВ, А. САФОНОВ
**Мусаҳҳиҳ:** М. БЕКИЕВ

Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлиги томонидан 2003 йил 20 ноябрда № 050 - рақам билан рўйхатдан ўтказилган.

Газета сешанба, пайшанба (“Ҳаёт”-илова), жума кунлари чиқади.

Буюртма Г-719 , ҳажми 2 босма табоқ.

Офсет усулида босилди, қоғоз бичими А-2.

Босишга топшириш вақти: 21.00.
Босишга топширилди:
Адади -9709

Газета таҳририятнинг ўзида компьютерда терилди ва саҳифаланди.

“Шарқ” нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонасида босилди. Манзили: “Буюк Турон” кўчаси, 41-уй.

1 2 3 5 6

E-mail: kishlokhayoti@mail.ru